

ЖИЗЗАХДАН VOLKSWAGEN ЧИҚАДИ! 5-бет

QILA DAVRASIDA

№ 16-17 (414-415) 4-iyun payshanba

АИ – 80 ЭНДИ ЙЎҚМИ, НЕГА? 5-бет

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.

ОРИЯ МУЛК

Бунинг ҳукми қандай, унга амал қиляпмизми?

6-7-бет

НЕМИС ҚИЗИГА

мактуб ёзган шоира нималар демоқчи эди?

8-бет

ГУЛЛАГАН ТОҚАТ

ёхуд сукунатдаги сирлар

9-бет



СЎХДА НИМА ГАПЛАР? ТОМОНЛАР КЕЛИШИБ ОЛИШДИ (МИ?)

3-бет



1 ИЮНДАН НАФАҚАХЎРЛАР КЎПАЯДИ, СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ...

10-бет

«Оила даврасида» газетасига

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!

2020 йилнинг 6 ойи учун давом этмоқда ОБУНА

Обуна индекси – 193

uzkitob.uz



«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

Элмира БОСИТХОНОВА: ХАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ «АНЗИРАТ БУВИ»ЛАРИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

« Бугун мамлакатимиз хотин-қизларини қийнаётган муаммолар нималардан иборат? Уларни ҳал этиш юзасидан жойларда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида ўтказилган видеосеминарда ана шу саволларга атрофлича жавоб берилди.

Айтиш лозимки, маҳалла турли ижтимоий қатлам вакиллари бир жамоага бирлаштирувчи, умумий манфаат, мажбуриятларни таъминловчи, ҳар бир фуқарога ижтимоий масъулият юклай оладиган ягона тузилмадир. Шундай экан, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари зиммасига янада муҳим масъулият юкланадики, ўз ҳудудидagi ҳар бир оила, ҳар бир хотин-қиз билан индивидуал иш олиб бориш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-умидларини тўла англаган ҳолда, уларга ўз вақтида кўмак кўрсата олиши энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

– Мазкур вазифалар ижросини тўла таъминлаш учун ҳам, сизу биз янада самаралироқ меҳнат қилишимиз, янада ташаббускор бўлишимиз лозим, – дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова. – Президентимиз ўзининг ҳар бир нутқида оила ва хотин-қизлар масаласига алоҳида урғу бериб ўтиши бежиз эмас. Сабаби давлат раҳбари сифатида бизнинг ҳар бир муаммомиз, орзу-ўйларимиз, келажак мақсадларимиз билан доимо қизиқиб келади. Биз эса ана шу юксак эътиборга муносиб равишда жавоб қайтаршимиз учун ўз ҳудудимиздаги хотин-қизлар билан боғлиқ масалаларга имкон қалар индивидуал ёндашимимиз, муаммонинг туб илдизига кириб боришимиз шарт.

Видеосеминар давомида оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий кадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ижросининг жойлардаги ҳолати бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш тўғрисида тизимли ишларни ташкил этиш юзасидан туман (*шаҳар*) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошқисининг биринчи ўринбосари вазифаларини тизимли равишда ташкил этиш зарурати ҳақида сўз борди.

Видеосеминарда яна бир муҳим кадам – Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi барча умумтаълим муассасалари қошида «Ораста қизлар», барча фуқаролар йиғинлари қошида эса «Маҳалланинг ораста қизлари» тўғрақлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида фикр юритилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Республика Маънавият ва Маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси томонидан «Ёш авлодни, хусусан қизларни миллий, тарихий, маънавий-ахлоқий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, оила ва маҳалла муқаддаслигини уларнинг онгига сингдириш юзасидан тизимли ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида»ги қўшма қарорда кўзда тутилган турли масалалар ҳам семинар давомида қизғин баҳс ва муҳокамага сабаб бўлди.

– Аёл ўзини қачон бахтли ҳисоблайди? Қачонки, унга бўлаётган эътиборни юракдан хис қилса, ўзининг оиласига, жамиятга керак эканлигини доимо хис қилиб яшаса, – деди Элмира Боситхонова. – Шундай экан, мамлакатимиз хотин-қизлари томонидан бизга юборилаётган муурожаатларга ўз вақтида муносабат билдиришимиз, ундаги масалаларга оқилона ёндашиб, ижобий ечим топишимиз зарур. Бу борада ҳар бир маҳалланинг ўз «Анзират буви»лари, айтиш лозим бўлса, ҳар бир ҳудуднинг виждонига айланган қуюнчақ инсонлари бўлиши керак, деб ўйлайман.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
вазирлиги Матбуот хизмати

БЕПАРВОЛИК «ВИРУСИ» БОР ЭКАН, «ТОЖДОР ЁВ» КУЧАЙИБ БОРАВЕРАДИ

« Жонс Хопкинс университети маълумотларига кўра, дунё бўйича янги турдаги корона-вирусга чалинганлар сони олти миллиондан ошди, 375 минг нафардан зиёд киши эса вафот этди.

Айтишга осон, аммо қалбни ларзага солувчи рақамлар... Бир оилани отадек таянчи, онадек меҳрибони, яна қайси бир хонадон соҳибини гулдек фарзандидан айирган «жаллод». Унга бутун дунё қарши курашмоқда, бироқ, афсуски, қурбонлар сони тобора ортиб борапти. Нега? Наҳотки, жаҳон тиббиёти ҳам бу балони даф этмоққа қодир бўлмасми?!

Дарҳақиқат, ҳозиргача унинг давоси топилгани йўқ. Биргина шифо йўли, бу – сизу биздан талаб қилинаётган, ўрнатилган карантин қоидаларига амал қилмоқ. Уларга бепарволик барчамизга қимматга тушиши тайин.

Афсуски, сўнгги кунларда юртимизда «тождор» вирусни юктириб олганлар сони сезиларли даражада кўпайди. Нафақат чет элдан олиб келинган ватандошлар, балки аҳоли орасида ҳам у билан оғриганлар аниқланаётгани кишини ташвишга солади.

Яқиндагина касалликка чалинганларнинг 80 фоиздан зиёди соғайгани, тизгин қўлга олингани ҳақида севибиз гапирётгандик. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида карантин чекловлари ҳам юмшатилди. Бироқ бунга ўз билганича талкин қилиб, бепарволикка берилган фуқаролар орасида яна касаллик кўпайгани хали қувониш учун эрта эканини кўрсатди.

«Қизил ҳудуд»лар нега кўпаймоқда?

Беморларнинг қарийб 50 фоизини хориждан олиб келиниб, карантинга олинган фуқаролар ташкил этаётгани рост. Аммо бу бошқаларнинг хавфли вирусни юктиришдан холилигини аниқламайди. Ҳозиргача 80 дан ортиқ туман (*шаҳар*)ларнинг «қизил» ва «сарик» ҳудуд сифатида қолганининг ўзидек ҳар биримизни ҳушёр тортириши шарт. Маълумки, кейинги кунларда аҳоли ўртасида касалланганларнинг сони ортиб бормоқда. Хусусан, Навоий, Самарқанд, Тошкент шаҳри ва вилоятда ана шундай ҳолатлар аниқланди.

Наҳотки, баъзи юртдошларимиз ҳануз бепарволик «вируси» «тождор ёв»дан ҳам кўра хавфли эканлигини тушунишмаётган бўлса?! Карантин қоидаларига риоя этмаётган кимсалар нафақат масъулиятни хис қилаётган бошқа фуқароларни ранжитмоқда, балки жамият саломатлиги, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига хавф соляпти. Бизнинг ҳудуд «яшил», бизга ҳаммаси мумкин, дея чекловларни писанд қилмасликдан ким наф қўради? Ҳеч ким.

Ақсинча, шу ишни қилган ўша шахс эмас, балки ҳамма зарар кўради. Худо кўрсатмасин, агар касалликни юктириб олса, уйдаги кекса ота-онаси, оиласи, фарзандларининг ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Бинобарин, бозорлар, савдо мажмуалари, банкларда ижтимоий масофага



амал қилмаётган, жамоат жойида никоб такмай юрган, вазиятни кўра-била туриб, уйда бемалол йиғинлар ўтказаяётганларни қандай тушуниш мумкин?!

Одамнинг энг ёмони — бепарво ва лоқайди

Ҳаётимизни уммондаги бир қатта елканли кемага ўхшатадиган бўлсак, у кемани бекаму кўст бошқариш учун ҳамма вазифадорлар ўз ишини сидқидилдан ва мукамал адо этиши лозим. Акс ҳолда, кема бир ёки бир неча бепарво инсонлар айби билан бирор фалокатга дучор бўлиши мумкин. Афсус, бунга барча ҳам бирдек англамайди. Ҳали-ҳануз беғамлик, лоқайлик, содир бўлаётган ходисаларни кўриб, кўрмасликка олиш каби иллатлар мавжуд, орамизда касалликка қарши кураш факат давлатнинг иши деб ўйлайдиганлар ҳам учрайди.

Аммо бу билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Сафимизда лоқайд кимсалар ҳануз бор экан, касалликни енга олмаслигимизни барчамиз англашимиз шарт. Бу фуқаролик масъулиятини хис этмагунимизча, эришилаётган натижалар ҳам бўй кўрсатмаслиги аниқ.

Лукмони Ҳакимдан «Одамларнинг энг ярамаси, энг ёмони ким?» деб сўралганида у киши: «Одамларнинг ёмонлик қилаётганини кўра туриб, кўрмасликка олгани, бепарво, лоқайд бўлганидир», деб жавоб берган экан. Шундай экан, жамоат жойларида карантин қоидаларига амал қилмаётганининг гувоҳи бўлсангиз, бу ҳолатга бефарқ қараманг. «Менга нима, соғлиғи ўзига керак», дея юз бурманг.

Шундайларни оғоҳликка чорланг! Балки ўша киши ўз соғлиғига лоқайддир, бироқ сиз жамиятимиз соғлиғига бефарқ бўлманг. Вирусга қарши курашда ҳар биримизнинг иштирокимиз борлигини унутманг!

Барча саъй-ҳаракатларни йўққа чиқарманг!

Кун якунида коронавирус билан боғлиқ вазиятга оид хабарлар билан танишамиз. Касалланганлар сони ортгани, ҳудудларнинг

«яшил»дан «сарик»қа, «сарик»дан «қизил»га ўтгани, ўлим ҳолати қайд этилганини кўриб, қалба оғриқ сезамиз. Буларнинг барчаси кичик эътиборсизлик, лоқайлик сабаб рўй бераётганидан хавотирга тушамиз. Бундай салбий ҳолатлар касалликни аниқлаш, унинг олдини олиш ва даволаш учун давлатимиз томонидан қиллинаётган хатти-ҳаракатлари бюджетдан олинаётган триллионлаб ҳаражатлар натижадорлигини йўққа чиқариши мумкинлиги эса янада ачинарли.

Ҳақиқатан ҳам, ўрнатилган тартиб-қоидаларни менсимасак вазият таранглашиб бораверади. Мисол учун, Бразилия, Чили ва Ҳиндистонда апрель ойидан буюн вирусни юктирганлар сони хафта-сига 40-50 фоиз ўсмоқда. Бундай салбий статистикада бепарволик, масъулиятсизлик энг асосий омиллар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Оқибатда хинд диёрида карантинга риоя этмаганлар полиция ходимлари томонидан таёқ билан қалтақланиб, уйларга ҳайдаш оддий ҳолатга айланган. Шунга қарамай, ҳозирги кунда мамлакат аҳолиси саломатлигини сақлаб қолиш масаласи боши берк кўчага кириб қолди.

Биздан эса маданият ва ҳушмуомалалик билан оғоҳ бўлиш, карантин қоидаларига риоя этишимиз сўралапти. Наҳотки, шу оддий вазифани бажаришимиз шунчалки қийин бўлса?!

Хулоса ўрнида хитойлик буюқ файлауф Конфуцийнинг ушбу сўзларини келтириб ўтмоқчимиз: «Хушёр бўл, худди жар ёқасида турган каби. Хушёр бўл, худди юпка муз устида юрган каби». Коронавирус пандемияси пайтида хушёрликни ана шундай даражага ошириш керак. Карантин пайтидаги бепарволик эса ҳар биримизни, шубҳасиз, «тождор ёв»нинг азобли жарига қулатиб юборини ёки синган муз остидаги тубсиз чуқурликка тортиб кетиши мумкин.

Равшан МАКСУДОВ,
Фаргона давлат
университети ректори

« Сўнги кунларда Фарғона вилоятининг Сўх туманида бўлиб ўтган воқеалар кўпчиликни ташвишга солди. Мана шу ҳолат, шу воқеалар сабаб юзага чиққан бу ҳудуд аҳолисининг неча йиллик дарду ташвишлари нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки халқаро миқёсда муҳокамалар марказига чиқди.

Гап шундаки, 2020 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикасининг Сўх тумани ўзбек-киргиз чегарасидаги Чашма булоғида киргизистонлик ва ўзбекистонликлар орасида жанжал келиб чиққан. Бу ҳақда ДХХ Чегара қўшинлари ҳам хабар қилди. Юзага келган вазиятни баргараф этиш учун икки давлат маҳаллий ҳокимиятининг масъул раҳбарлари воқеа жойида учрашган.

Чегара ҳудудларидаги ҳолатни юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўришга чақиринди.

Икки давлатнинг илгари эришилган келишувларга содиқлиги ва юзага келатган муаммоларни ҳал этишга конструктив ёндашуви алоҳида қайд этилгани айтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва Қирғизистон бош вазирининг биринчи ўринбосари Кубатбек Боронов икки



СЎХДА НИМА ГАПЛАР?

Икки халқ ва миллатнинг азалий дўстлиги сувда оқиб кетмасин!

Аммо бу масала шу билан тўлиқ тинчиб кетмади. Сўх тумани аҳолисининг сабрини синаб келатган неча йиллик муаммоларнинг кичик кўриниши эди аслида бу муаммо. Қирғизистоннинг Боткен вилоятига туташ ҳудудда жойлашган Сўх тумани аҳолисини сув ва яйловлардан фойдаланиш, чегарадан ўтиш муаммолари доимий қийнаб келган.

Юз берган муаммо ҳам сув туфайли келиб чиққан. Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари чегарасида жойлашган Чашма кишлоғининг чашма булоғи олдида икки давлат фуқаролари ўртасида катта жанжал чиққан. Вужудга келган тошбўрон натижасида кўп киши тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган, дея хабар тарқатди Сўх тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

Вазиятни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Президенти топшириғига асосан Сўх туманига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов етиб борди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Қирғизистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Кубатбек Боронов билан Боткен вилоятидаги «Чечме-Автодоржний» назорат-ўтказиш пунктида учрашди. Учрашувда ДХХ раиси Абдусалом Азизов ва Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ганиев ҳам иштирок этди. Учрашув чоғида икки мамлакатнинг чегарадош кишлоқлари аҳолиси ўртасида юз берган можа ро муҳокама қилинди.

Томонлар давлат чегарасининг Ўзбекистон-Қирғизистон қисмида содир бўлган воқеадан афсусда эканини билдириб, вазиятни тўғрилаш, унинг янада кескинлашишига йўл қўймастик ва

томонлама ҳамкорлик ва бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг, икки мамлакат вакиллари воқеа содир бўлган жойга ташриф буюришди. Жанжал натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги учта хонадонда ёнғин келиб чиққан. «Зарар кўрган оилалар хонадонларини қиска муддатда тиклаб берамиз, — деди

албатта эришамиз», — дейишди икки халқ жамоатчилиги вакиллари.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Сўх тумани аҳолиси билан учрашув ўтказди. Учрашувда аҳоли вакиллари ҳукумат раҳбарига ўзларини қийнаётган муаммо ва камчиликлар ҳақида гапириб, уларнинг ечилишида амалий ёрдам

раҳбарлари халқнинг мана шу ҳақли талабларини ўз вақтида эшитиб, уни қўшни республиканинг тегишли ҳудудлари раҳбарлари билан муҳокама этганида, муросяно мадора қилинганда балки мана шу можа ро ҳам бўлиб ўтмас, муаммо ҳукумат даражасигача чиқиб кетмаган бўлар эди эҳтимол. Қанча-қанча хонадонларга нотинчлик хавф солмас эди ўшанда. Видеоёзувлардан англашиляптики, йиллар давомида қайсидир даражадаги раҳбар келиб бу жафокаш элнинг дардига кулоқ тутмаган, улар билан дўстона гаплашмаган. Вилоят раҳбарлари қачондир борган бўлса ҳам фақат расмий йиғилишларга бориб, расмий одамлар билан учрашиб қайтишган ҳолос.

Ҳукумат раҳбарининг ташрифидан сўнг, 2 июнь куни Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ва бир гуруҳ вазирлар Сўх туманига боришди. Мутасадди раҳбарлар Президент топшириғига асосан эсклаб ҳудуддаги муаммоларни ўрганиб, дастур тайёрлаш ва бу орқали мавжуд муаммоларни баргараф этиш учун ташриф буюришган. Туман ҳокимлиги магбуот хизмати эълон қилган сура тларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Кишлоқ хўжалиги, Халқ таълими вазирлари ва бошқаларни кўриш мумкин.

Вазирликлар, уларнинг вилоят бошқармалари раҳбарлари вазиятни баркарорлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳолатни яхшилаш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида манзилли бирламчи вазифалар дастурини ишлаб чиқдилар.

Айни дамда Сўх тумани аҳолиси ва фаоллари вужудга келган вазиятни юмшатиш борасида ҳукумат вакиллари билан биргаликда ҳаракат қилмоқда.

Ҳа, Сўх тумани аҳолиси ҳам юртимизда бўлаётган ўзгаришлар жараёнига катта умид кўзи билан қараб тургани аён. Улар ҳам сўнги ўн йилликларга чўзилган муаммолари тезроқ барҳам топиши учун борларини беришга тайёр. Кеча ҳукумат раҳбари билан бўлган учрашувда бу яққол ўз ифодасини топди. Умид қиламизки, айтилган гапларнинг ҳаммаси тез орада амалга ошади. Шу вақтгача ўзининг кўрку чиройи ва жозибаси билан барчани ўзига мафтун этиб келган бетакроп Сўх тумани бундан кейин ҳам Фарғона водийсининг энг гўзал масканларидан бири бўлиб қолади.

кўрсатишни сўрашди. Бош вазир яқин кунларда туманда ободончилик ишлари бошланишини маълум қилди. Бунга минг нафар ёшлар жалб этилиши таъкидланди. Қўшни республика билан келишилган ҳолда яйловлардан фойдаланиш, сув муаммосини ҳал этиш, туманда жойлашган Қайроқ, Жавпая, Тоён массивларини ўзлаштириш ва шу йўл билан аҳоли ўртасида ишсизлик муаммосини ҳал этилишига эрипилиши айрилди. Маҳаллий аҳолини қийнаётган энг асосий масала — йўл муаммоси ҳам ўртага ташланди. Сўх — Риштон йўли ҳам икки давлат ҳукуматининг ўзаро келишувига биноан очилиши таъкидланди. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги ҳал этилмаган ҳудудлар бўйича ҳам делимитация ва демаркация ишлари бир вақтда амалга оширилиши алоҳида айтиб ўтилди.

Бош вазир Сўх тумани марказий шифохонасига бориб, беморлар ва жароҳат олганлар ҳолидан хабар олди. Оғир аҳволдаги яралаганларни вилоят марказий шифохоналарига етказиш учун санавиация хизмати сафарбар этилди.

Ижтимоий тармоқларда мазкур можа роларга даҳлдор бўлган турли видеолар, хабарлар тарқалишда давом этмоқда. Ҳар ким ўз тафаккури доирасида фикр билдирипти, муносабатини айтяпти. Аввало шунга таъкидлаш жоиз, туман аҳолиси жуда катта талаб ёки шартларни қўяётгани йўқ. Шунчаки, асрлар давомида ота-боболари фойдаланиб келган ер-сувдан тинчгина фойдаланиб яшаш, Фарғона ёки бошқа ҳудудларга бехавотиргина йўллардан бориб-келиш.

Агар Сўх туман ёки Фарғона вилоят

Бизнинг бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир. Бўлиб ўтган воқеалардан зарурий хулоса чиқариб, дўстлигимизни мустаҳкамлашга албатта эришамиз»

Абдулла Арипов. — Чашма булоғи — бу мўъжиза, инсонларга Яратган томонидан берилган неъмат. Шунинг учун, бу муқаддас чашмадан ҳам бизнинг фуқаролар, ҳам қўшни республика фуқаролари бирдек фойдаланишди.

Келишувга биноан, чашма булоғининг атрофи панжара билан ихоталаниб, унинг ҳудудида замонавий дам олиш маскани барпо этиладиган бўлди.

Сўнгра «Чечме-Автодоржний» назорат-ўтказиш пунктида икки давлат фуқароларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувга А.Арипов ва К.Бороновлар бошчилик қилишди. Учрашувда икки халқ ва миллатнинг дўстлиги, ўзаро ҳамжиҳатлик ришталари асрларга татигулик эканлиги қайд этилди.

«Бизнинг дўстлигимиз минг йиллардан сарчашма олади. Бизнинг бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир. Бўлиб ўтган воқеалардан зарурий хулоса чиқариб, дўстлигимизни мустаҳкамлашга



Қамолдин ШАМС

ЭСКИ ДАРДНИНГ ЯНГИ ХУРУЖИ...



Америка қўшма штатлари, мана, бир неча кундикри мамлакатда кузатилаётган тартибсизликларни бартараф эта олмаётти. Норозилик намоишлари Миннеаполис шаҳрида афроамерикалик Жорж Флойднинг оқ танли полициячи қўлида вафот этиши ортидан келиб чиқди.

Гап нимадалигини кискча айтиб ўтсак: воқеа 25 май куни рўй берган. Полициячилар 46 ёшли Жоржнинг машинасини тўхтатиб, уни қўлга олмақчи бўлишди. Хукук-тартибот идоралари вакиллари таъкидлашча, у бунга қаршилиқ кўрсатган. Лекин ушбу ҳолатга гувоҳлар йўқ. Тўғри, офицерларда камералар бор эди. Фақат улар ҳозир тергов жараёни учун олинган. Балки ундаги тасвирлар ҳам қўп нарсага ойдинлик киртирар.

Бирок, ўша кунлари интернетда қиска бир видео тарқалди. Унда полициячининг Флойдни ерга ётқизиб, тиззаси билан уни ўша ҳолатда тургани, гумонланувчининг эса бир неча марта «Мен бўғилиб қолдим!», «Мени ўлдирманг!», дея такрорлаётгани акс этган. Лекин Дерек Шовин исмли полициячи уни ўша ҳолатда босиб тураверади. Охир-оқибат Жоржнинг танаси қимирламай қолади. Атрофга йиғилганлар унга ёрдам зарурлигини айтишади. Хуллас, воқеа жойинга шифокорлар чақиртирилади ва улар Флойд

ни шифохонага олиб кетишади. Хеч қанча вақт ўтмай эса унинг ўлгани қайд этилади.

Ҳодисанинг асосий сабабчиси Дерек Шовин учинчи даражали котиллик (*яъни, куч ишлатиш билан боғлиқ қотиллик*) билан айбланмоқда. Миннесота штати конунларига қўра, ушбу турдаги жиноят учун 25 йилгача қамоқ жазоси белгиланиши мумкин. Дерекнинг турмуш ўртоғи Келли воқеадан қаттиқ саросимага тушиб қолганини билдириб, Жорж Флойднинг оиласидан узр сўради ва Дерек билан ажрашиш учун ариза берди... Ҳодиса иштирокчиси бўлган яна уч нафар полициячи эса ишдан бўшатилды.

Мазкур фожиа туфайли ирқчилик мавзуси яна кун тартибига кўтарилди. Чунки АҚШда 2014 йилда ҳам шунга ўхшаш воқеа кузатилганди. Полиция афроамерикалик Эрик Гарнерни ноқонуний сигарета сотаётганликда айблаб, уни қўлга олиш чоғида бўғувчи усулни қўллайди. Эрик ҳам худди Флойд сингари «Мен бўғилиб қолдим!» дея ёлворади. У буни 11 марта такрорлайди. Аммо полиция эътибор қилмайди. Натижада Эрик Гарнер вафот этади. 2015 йилда ҳукумат



унинг оиласига 5,9 миллион доллар миқдорда тоvon пули тўлайди. Аммо бу уларнинг ярасига малҳам бўлмайди. Боз устига Эрикнинг ўлимига сабабчи бўлган полициячининг шунчаки ишдан бўшатилиши эса худди ярага туз сепгандай жуда қатта норозилик уйғотади. Ўша воқеадан кейин «Мен бўғилиб қолдим!» ибораси қора танлиларнинг полицияга қарши намоишларининг асосий шиори айланади.

Ҳозирги пандемия шароитига қарамай, АҚШнинг йнгиридан ортик штатда минглаб одамлар Жорж Флойднинг ўлими туфайли кўчаларга чиққан. Полиция билан қарама-қаршилиқлар рўй бермоқда. Қурбонлар бор. Вашингтон ва Колумбия округида комендантлик соати жорий қилинган. Вазият жиддийлиги боис назоратни қўлга олиш учун харбийлар — Миллий гвардия ҳам жалб этилган. Оқ уйнинг кириш-чиқиши ёпилган. АҚШ

расмийлари намоишчиларни оғоҳлантириб, хукук-тартибот идоралари билан бўладиган ҳар қандай тўқнашув ёки уларга таҳдид ички террорчилик ҳаракати сифатида баҳоланишини таъкидламоқда.

Флойднинг вафоти Канадада, қолаверса, Буюк Британия, Германияда ҳам норозиликларни юзага келтирди. Масалан, Лондон ва Берлиндаги АҚШ элчихонаси олдида минглаб кишилар қўлларидан турли ёзувлар билан намоиш ўтказишмоқда. Манчестерда «Қора танлилар ҳаёти ҳам муҳим» шиори остида юриш акцияси ташкил қилинди. Хуллас, бир полициячининг эҳтиётсизлиги, аниқроғи, шайқатсизлиги мана шундай оғир оқибатларга сабаб бўлди.

АҚШнинг айрим сиёсатчилари Жорж Флойднинг ўлими мамлакатнинг баъзи рақобатчилари тегирмонига сув қуйганини ҳам айтишмоқда. Жумладан, Оқ уйнинг хавф-

сизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Роберт О'Брайен Хитой, Эрон ва Россия бу вазиятдан фойдаланаётганини таъкидлади. Сенатор Марко Рубио ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватлаб, воқеаларга ташқи таъсирлар бўлаётганини, охириги вақтларда қаида учта давлатда ижтимоий тармоқлар фооллашганини билдирди, деб ёзмада «Platforma.uz» телеграм канали.

Куни кеча АҚШда Жорж Флойднинг ўлими ортидан келиб чиққан оммавий тартибсизликлар натижасида қаида 11 киши ҳалок бўлди, деб маълум қилди Associated Press.

Қурбонлар Чикаго, Детройт, Омахи, Девенпорт, Окленд ва Луисвилл штатларидан бўлган. Уларнинг кўпчилиги афроамерикаликлардир.

Шунингдек, тартибсизликлар давомида 100 дан зиёд киши жароҳат олгани айтилмоқда, лекин уларнинг аниқ сони келтирилмапти.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерреш АҚШ кўчаларида рўй бераётган зўравонликларни кўриб, қайғуга ботганини маълум қилди ва норозилик тинч йўл билан билдирилиши кераклигини таъкидлади. «Нью-Йорк ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида юз бераётган зўравонликларни кўриб туриш мен учун ғоят қайғули. Норозилик эшитилиши керак, бироқ у тинч йўл билан намоиш қилиниши лозим», — деб ёзди Бош қотиб Twitterда.

ҚўШИЛАРДА НИМА ГАП?

Қирғизистонда авиарейслар тикланади

Қирғизистонда ички авиарейслар 5 июнда тикланишига рухсат берилди. Эртадан бошлаб жамоат транспортида минтақалараро йўловчилар ташила бошланади.

Қирғизистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Кубатбек Бороновнинг оғоҳлантиришча, жамоат транспортида қаттиқ назорат ўрнатилди. Йўловчилар чиқаётганда ниқоб тақиш, хароратини ўлчаш мажбурий бўлади.

«Автобус ва маршрут таксиларда йўловчи ташиш хавфсиз бўлиши керак. Ҳамма нарса санитар меъёрларга мос келиши ҳисобга олиниши шарт», — деди Боронов коронавирусга қарши кураш Республика штаби мажлисида.

Қирғизистонда мунтазам авиарейслар март ойи ўртасида COVID-19 коронавируси хавфи туфайли тўхтатилган эди. 22 мартдан мамлакатда фавқуллода вазият режими амал қилмоқда. 1 майдан мамлакатда босқичма-босқич турли корхоналар ишлашига рухсат берилди.

Қирғизистон-Тожикистон чегарасида янги низо

Қирғизистон Чегара хизмати 2 июнь куни давлат чегарасининг қирғиз-тожик участкасида ўқотар қуроладан фойдаланган ҳолда яна можаро юз бергани ҳақида хабар берди.

Тарқатилган хабарда қирғиз чегарачиларининг маълум қилишича, Қирғизистоннинг Боткен туманидаги Эки-Таш деган жойда 2 июнга ўтар кечаси Тожикистон томонидан номаълум шахс оу милтигидан Қирғизистоннинг 1982 йилда туғилган фуқороси Б.Б.нинг Ўш-Исфана йўлида ҳаракатланаётган машинасига қарата бир неча бор ўк узган.

«Ҳайдовчи ўқдан енгил жароҳат олди ва Самарқандек кишлоғидаги шифохонага олиб борилди. Тунда икки мамлакат хукук-тартибот идоралари вакиллариининг учрашуви бўлиб ўтди. Ҳозир ҳодиса жойида милиция ходимлари ишламоқда, улар жойни, автомашинани қўздан кечиришди ва бошқа тергов тадбирларини ўтказдилар», — дея хабар берди Қирғизистон чегара хизмати. Тожикистон томони ҳозирча ҳодиса бўйича изоҳ бермади.

Бу сўнги ойда қурол ишлатилган ҳолда чегарада юз берган тўртинчи ҳолатдир. Икки қўшни мамлакат чегарачилари бир-бирларини можаро келтириб чиқаришда ва чегаранинг у томонида отишма содир этишда айблаб келмоқда.

Қозоғистонда «Крим сценарийси» бўлмайди

Қозоғистон президенти Қасим-Жомарт Тоқаев Москвага 24 июнга белгиланган таширфи арафасида Россия ОАВга берган интервьюсида Қозоғистон учун «Крим сценарийси» ва «Донбасс сценарийси» эҳтимолини рад қилди.

«Сохта экспертларнинг бу каби прогнозлари жиддий асосларга эга эмас. Бу Қозоғистондаги вазиятни бекарорлаштиришга ва давлатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, иттифоқчилик муносабатларига раҳна солишга қаратилган. Бу каби прогнозлар бошқаларнинг овози билан қўшиқ айтадиганлар томонидан айтилади», — дея баёнот берди президент 2 июнь куни кечкурун «Комсомольская правда» газетаси сайтида эълон қилинган интервьюсида.

У шунингдек, Нур-Султонда Россия ва Беларус иттифоқ давлатига қўшилиш нияти йўқлигини таъкидлади (*бузунги кунда бу Иттифоқ фақат қозоғозагина амал қилади*). Шу билан бирга, Тоқаев Минтақавий бирлашмалар, жумладан Евросоё иктисодий иттифоқи доирасида интеграцияларни ривожлантиришга устиворлик берилишини таъкидлаб ўтди.

Қозоғистон президенти шунингдек, ҳукумат қозок алифбосини лотинлаштиришни «сунъий тезлаштиришларсиз» амалга ошириш зарурлигини айтди ҳамда Қозоғистонда руслар «барча хукуклардан фойдаланишлари»га ишонтирди. У Қозоғистонда АҚШ харбий базаси қурилиши билан боғлиқ масала «муҳокама қилинмаётгани ва кун тартибиде эмаслигини» ҳам айтиб ўтган.

Тошкент вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врач Бахтиёр Болтабоев вазифасидан озод этилди, дея хабар берди Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

СЎКОНФИЧ РАХБАР ИШДАН ОЛИНДИ

Аввалроқ ижтимоий тармоқларда Бахтиёр Болтабоев экани айтилган шахнинг ходимларини ўз хонасида сўкаётгани акс этган видео тарқалган эди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги унинг Бахтиёр Болтабоев эканини тасдиқлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, мутахассислар томонидан ўрганилган. Вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врач Бахтиёр Болтабоевнинг кўл остидаги ходимлари билан ўта кўпол ва ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган тарздаги суҳбати муҳокама қилиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чора кўрилди, дейилади хабарда.

Бош врач соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори Баходир Юсупалиевнинг тегишли буйруғи билан ўз вазифасидан озод этилди.

Эслаб ўтамиз, сўнгги вақтларда худудий Санитария-эпидемиологик марказлари раҳбарларининг ноқонуний хатги-харакатларига оид хабарлар тез-тез тилга олинмоқда. Аввалроқ Бухоро вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врач ва врач-дезинфекционисти дезинфекция воситаларини асладан киммат нархларда сотиб олиб, 204,6 млн. сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилгани хабар қилинган эди. Кейинроқ Навоий вилоят СЭОМ бош врачининг ҳам худди шу йўл билан 222,3 млн. сўмни талон-торож қилгани аниқланди, деб ёзмоқда «Газета.uz» нашри.



Турли даражадаги раҳбарларнинг кўл остидаги ходимларга кўпол муносабати, хатто баъзи ҳокимларнинг сўкиб-ҳақоратлашига оид далиллар, видеоёзувлар тарқалиб кетиши тез-тез содир бўлиб туради. Баъзида бундай раҳбарлар битта узр сўраш билан қутулиб қолаётган бўлса, айримлари эса лавозимидан маҳрум қилинмоқда. Нима бўлган тақдирда ҳам «оёғи ердан узилган» бундай раҳбарлар бугунги кун талабига мувофиқ жавоб бермайди. Бундай ишлаш услуби ҳеч қачон ўзини оқламайди. Бугун янгилинишларга юз тутаётган Ўзбекистон танлаган йўл ҳам ҳар қандай раҳбарга эскича бошқарув услубидан қутулиш, замонга ҳамнафас бўлиш талабини қўймоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги куйидаги сўзлари ҳам бунга яққол ифода қилади: «*Ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслаб ўтмоқчиман. Бизга умид ва ишонч билдирган, бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни, ҳар бир фуқарони рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.*» нашри.

ЖИЗЗАХДА «Volkswagen» АВТОМОБИЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

«Жиззах Авто» базасида Volkswagen Caddy енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бошланмоқда, дея хабар берди Жиззах вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти.

Жорий йилнинг март ойида «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Фольксваген Груп Рус» концерни ўртасида «Жиззах автомобиль заводи» МЧЖ компанияси базасида енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланган эди. «Ўзавтосаноат» хабарига айтилишича, бугунги кунда 45 гектар майдонда жойлашган заводнинг қурилиш ишлари якуний босқичида турибди. Завод ва офиснинг асосий бинолари қуриб битказилган.

Енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш жараёнини жадал-

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан сертификатциялаш ва транспорт воситаларининг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш, жумладан сертификатцияловчи орган томонидан назорат иқлим текширувлари ва Умумий техник регламент талабларига биноан бошқа синовларни ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бир вақтнинг ўзида «Жиззах авто» МЧЖ томонидан «Фольксваген» дилерлик тармоғини ривожлантириш мақсадида республика худудларидаги қатор дилерлик корхоналар ҳамкорлик қилиш учун танлаб олинди. Volkswagen Caddy русумли автомобиллар савдоси шу йилнинг июль ойидан бошланиши режалаштирилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Volkswagen Caddy – 7 ўриндиқли (5-ўриндиқли кўриниши ҳам мавжуд) йўловчи ва юк минивени. Автомобиль



лаштириш мақсадида Ўзбекистонга Volkswagen Caddy автомобилларининг бир қисми келтирилиб, улар сертификатция бўйича ваколатли органларга иқлим синовлари ва омологация бўйича махсус текширувлардан ўтказиш учун топширилди. Ҳозирда

ҳам бизнес юритишга, ҳам оилавий фойдаланиш учун тўғри келади. Тежамкор ва технологик (MPI) двигател 1,6 литр қувватга эга, бензинда ишлайди. Ёқилғи сарфи – шаҳарда 100 км.га 9,3 литр, трассада – 100 км.га 6,1 литр.

Энди АИ-80 маркали бензин ишлаб чиқарилмайди... ми?

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи модернизация ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаси доирасида АИ-80 маркали бензин ишлаб чиқаришдан бутунлай воз кечилмоқда.

«Ўзбекнефтогаз» АЖ бошқаруви раиси Мехриддин Абдуллаев бошчилигида ишчи гуруҳ аъзолари Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолиятини ўрганиши фондида айни шу янгилик айтилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги «Нефть ва газ санатининг молиявий барқарорлигини оширишнинг биринчи навбатдаги

чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ, нефть нархларининг глобал ўзгариши шароитида корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи, заводнинг мавжуд технология қувватлари, етказиб берилаётган хомашё нархлари, жумладан, маҳаллий нефть нархига ва 2020 йил 1 майдан кучга кирган биржа савдолари орқали



нефть маҳсулотларини сотиш тартибига алоҳида эътибор қаратиш асосий масалалардан, дейилади «Ўзбекнефтогаз» АЖ матбуот хизмати ахборотида.

Ишчи гуруҳ танишув жараёнида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи модернизация қилиш ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга оширишни муҳокама қилган. Маҳсулотларини ички ва экспорт бозорларида сотиш, хомашё базасини аниқлаш ва таъминлаш, лойиҳанинг қўрсаткичлари, нефть нархидаги ўзгаришларнинг турли вариантлари бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, заводни модернизация қилиш ва реконструкция қилиш инвестиция лойиҳасини қайтариш масалалари кўриб чиқилди.

Заводни модернизация қилиш ва

реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида АИ-91, АИ-93, АИ-95 маркали юқори октанли бензин ишлаб чиқариш ва АИ-80 маркали бензин ишлаб чиқаришдан бутунлай воз кечиш, шунингдек, Евро-5 талабларига жавоб берадиган дизель ёқилғисини ишлаб чиқаришга ўтиш қутилмоқда.

Ушбу хабар юзасидан «Xolis fikr» телеграм канали бир қатор саволларни ўртага ташлади: АИ-80 бензиндан воз кечилаётгани кимга фойдаю, кимга зиён? Нисбатан арзон ёнилғининг ишлаб чиқаришдан олиниши корхона ғазнасини тўлдиришга қаратилганми ёки истеъмолчилар манфаатлари ҳам инobatга олинганми?

«Ўзбекнефтогаз» АЖ вакилининг айтишича, АИ-80 ишлаб чиқаришдан олинишидан қўзланган мақсад истеъмолчилар учун сифатли бензин етказиб беришни таъминлашдир. Яъни бу ёнилғини ишлаб чиқаришга кетган вақт ва ишчи кучи қолган сифатли бензинларни ишлаб чиқаришга сарфланади.

ТАНСИҚЛАШИБ БОРАЁТГАН.



Халқимизнинг ажралмас урф-одатларига айланиб улгурган юксак бағрикенглик муносабатлари долзарб аҳамият касб этяпти. Айниқса, ҳозирда бошимизга катта синовлар тушиб турган бир пайтда бу каби муносабатларга бўлган эҳтиёж янада ошади.

Аслида «ория» тушунчаси бизга бегона эмас. Бу халқимиз орасида минг йиллардан бери жорий бўлиб, яшаб келаётган таомил. Инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатли, мурувват ва оқибатли бўлишида, йиқилганни суяб, эҳтиёжманда мадад қўлини чўзишда бу муносабатнинг ўрни ва эътибори бўлакча. Ислом ҳуқуқида унинг айрим бир жиҳатлари борки, уларни ўрганиш ўзаро муносабатларимизни тўғри асосга қуриш, янада унумлироқ ташкил этишда жуда муҳимдир. Бундай муносабатлар бир тарафдан бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга ундаса, иккинчи тарафдан бировнинг кўмаги билан мушкулани осон қилиб олган кишида омонатдорлик ва миннатдорлик хислатларини намоён этади.

Оёқ остидаги ор

«Ория» – бировнинг мол-мулкани эвазига ҳеч нарса бермаслик шarti билан вақтинчалик фойдаланишга олиб туриш. Ория келишуви тўғри бўлишининг шarti ҳар икки томоннинг розилигидир. Бунда вақтинча фойдаланувчи мулкдорнинг бирон мулкдан унинг розилиги билан эваз ва фойдасиз тасарруф этиши кўзда тутилади.

«Ория» сўзи луғатда «ор» ўзагига мансуб бўлиб «ор-номус», «айб» маъносини ифода қилади. Одатда бировдан бирон бир нарса сўраб борган шахс ор-номусини оёқ ости қилиб ва бироз бўлса-да ўзини айбдор ҳис қилиб боради. Бу муносабатдан ўзанинг молини «талаб қилувчи ор-номус ва айбга қолиш» ҳам мулоҳаза қилинган.

Қуръони каримда хайру саховат маъносини ифода қилувчи кўплаб оятлар мавжуд. Уларнинг барчаси инсонларни бир-бирларига яхшилик йўлида ҳамкорлик қилиб, ҳожатбарор бўлишга ундайди. Ория муомаласидан кўзланган мақсад бошқаларга ёрдам бериш ва уларнинг оғирини енгил қилиш билан бирга, бахилликдан қайтаришдир. Чунки бахиллик пасткашлик ва мунофиқлик аломатларидан ҳисобланади. Ория муносабати Қуръондаги хайру саховат, эзуликка давъат қилувчи оятларнинг мазмун-моҳияти билан уйғунлашади.

Илк даврдаги келинқўлак

«Абдулвоҳид ибн Айман айтди: «Отам айтди: «Оишанинг олдида кирдим. Эғнида беш дирхамлик пахтали кўйлак бор эди. У: «Жориямни кўрмайсанми, қара, буни уйда кийишни эп кўрмайяпти. Ҳолбуки, Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи васаллам) даврларида менинг шундай бир кўйлагим бор эди. Мадинада бирор аёл (келинликка) ясанадиган бўлса, уни иора(вақтинча

фойдаланиш)га сўраб, менга одам юборар эди», деди».

Оиша онамиз Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) даврларида одамларнинг иқтисодий аҳволи танг бўлгани, нархи унча қиммат бўлмаган биргина қўйлак келин бўлаётган аёллар учун ўта қадрли эканининг хабарини бермоқдалар. Ўша қўйлақдан вақтинча фойдаланиб туришни сўраган аёлларга Оиша онамиз уни бериб турганлар. Мазкур ҳадисда никоҳ кечаси келин қўйлак билан боғлиқ ория масаласи баён қилинган. Шуларга асосланиб, олимлар мазкур ҳадисни ислом ҳуқуқида ория муносабатларининг жоиз эканига далилат қиладиган ҳадислар қаторида келтирганлар.

...Ушбу воқеани бугунги кундаги ҳолатимиз билан қиёслаб кўрайлик. Ҳозирда келиннинг қўйлаги катта микродордаги пул эвазига маълум муддатга ижарага олинади. Юқорида келтирилган воқеада эса, турмушга чиқаётган кизга бир хурсандчилик улашиш, уни ва яқинларини моддий жиҳатдан қийнаб қўймайлик учун келинлик пайтида қийиландиган либос текинга бериб турилган. Бу ўриндаги ория муносабати бир инсоннинг хурсандчилиги устига шодлик улашиш вазифасини ҳам бажарган. Одамлар орасида меҳр-муҳаббат, мурувват ва оқибат ришталарини мустаҳкам бўлишига хизмат қилган.

Бугунги кунимизда эса, биргина оилавий тадбирлар, хурсандчилик кунларини ўтказиш учун фалон пулга ижарага нарсалар олиб, оқибатда қарзга ботиб, қарзни узоқмасдан оғир аҳволда қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, халқимизда асрлар давомида муомалада бўлиб келган ория масаласи бугун бизнинг ҳаётимиздан бир қадар четда қолаётгани баъзида катта муаммолар гирдобига тушиб қолишимизга сабаб бўляпти.

«Элагингизни бериб туринг...»

Орианинг шартлари хусусида олимлар бир неча жиҳатларини санаб ўтишган. Аввало, ория келишувини тузувчи оқил, яъни ақли норасо бўлиши шарт. Ақли норасо томонидан қилинган келишув амалга оширилмайди. Ория келишув савдо-сотик ва шу каби ишларга изн берилган бола тарафидан амалга оширилиши ҳам мумкин.

Иккинчидан, орияга олувчи мол, яъни нарсани мулк қилиб олиши. Ория келишув иктиёрий хусусиятга эга бўлган хайру саховат амалларидан ҳисобланади. Шу боис, вақтинча фойдаланишга розилигининг ўзи кифоя қилмайди. Орияга олувчи мол-мулк, яъни нарсани қабул қилиб қўлига олиши шарт.



Ория муносабати бир инсоннинг хурсандчилиги устига шодлик улашиш вазифасини ҳам бажарган. Одамлар орасида меҳр-муҳаббат, мурувват ва оқибат ришталарини мустаҳкам бўлишига хизмат қилган.

Учинчидан, ория келишувида мол-мулк, яъни нарса фойдаланиш давомида йўқ бўлиб кетмайдиган ёки жинси ўзгармайдиган нарса бўлиши зарур. Чунки ория келишуви бирор нарсдан вақтинча фойдаланишни ифода қиладиган келишувдир. Мақсад нарсани маълум бир муддат ушлаб туриш эмас. Фойдаланиш давомида йўқ бўлиб кетадиган нарсалар қаторига озик-овқат маҳсулотлари, жинси ўзгармайдиган нарсалар сирасига эса пул бирликларини киритиш мумкин.

Келишув вақтида томонлар орианинг асосий шартларига эътибор қаратиши лозим бўлади. Эътиборсизлик қилиш инсонларнинг ўзаро ҳақ-ҳуқуқларини поймол бўлиши ва турли муаммоларни вазиятлар юзага келиши билан бирга, мулк этгасига молиявий зарар келтириши ҳам мумкин. Инсонлар ўртасидаги турли битим, келишув ва бошқа муомалалар белгиланган шарт ва руқлар асосида бўлмаса, мазкур битим, келишув ва бошқа ижтимоий муносабатлар тузилган ҳисобланмайди.

Ория масаласи ижтимоий турмушнинг муҳим бўғини бўлган оилавий муносабатлар билан боғлиқ. У одамлар ўртасида энг кўп мурожаат қилинадиган муносабатлар сирасига қиради. Ория қариндош-уруғ, қўни-қўшничилик алоқаларида кенг оммалашган ижтимоий масалалардан биридир. Жамиятда инсонлар орасида ория кўринишидаги мол-мулкдан фойдаланишга эҳтиёж катта. Орияга олинган мулкка нуқсон етган ҳамда бутунлай йўқ бўлиб кетган тақдирда одамлар муаммони ўзаро урф асосида (ёзилмаган қонун) ечимини топиб мурося-ю мадора тарзида ҳал қилмоқда, десак ҳато қилмаймиз.

Гоҳида, қўни-қўшнилар ёки қариндошлар уйда катталар бўлмаса ҳам балоғатга етмаган ёшларнинг гувоҳлигида уй-рўзғор анжомларини олиб фойдаланишга одалланган. Бу ҳолатда томонлар ория келишувини бузган ҳисобланмайди. Чунки шариятда умумий қондалардан бири шуки, «ҳеч қандай чекловлар бўлмаганда урфга амал қилинади». Бунда ўзаро бир-бирларига

бўлган ишонч келишувнинг жоизлигини ифода этади.

Ҳуқуқ ва масъулият

Ория муносабатида энг асосий қоидалардан бири мулкдор ҳоҳлаган вақтида ория келишувини бекор қилиш ҳуқуқига эгалигидир.

Агар бир киши ўзига тегишли ерни бино қуриш учун ёки кўчат экиш учун орияга берса, ория олувчи бино қурганидан ёки экин экиб бўлганидан сўнг мулкдор келишувни бекор қилиши ҳақида қарорини айтса, орияга олувчидан қурилган бинони бузишни ёки экинни олиб ташлашни талаб қилса, келишувда олдиндан муддат белгиланган бўлса-да, орияга олувчи олинган нарсани қайтариб беради. Мулкдор етказилган зарарни қоплаб беради.

Орияга олинган нарса орияга олувчи қўлида омонатдир. Ишлатилмаётган вақтида ҳам омонат ҳисобланади. Чунки у бировнинг мулки, бировнинг ҳақидир.

Бурҳониддин Марғиноний: «Ория омонатдир. Агар орияга олинган мол-мулк орияга олувчининг тажовузисиз ҳалок бўлса, тўламайди».

Олувчи олинган нарсага омонат сифатида қараб, уни муҳофаза қилиши ва уни ишлатишдан кўзланган мақсад ҳосил бўлгач, этгасига қайтариб бериши шарт. Мол-мулкка эътиборсизлик қилиш, белгиланган шартларга амал қилмаслик тажовуз ҳисобланади. Агар унга бирон нуқсон етса, қиймати тўлаб берилишига олиб келади.

Агар ер бино қуриш ёки кўчат экиш учун орияга олинган бўлса, мулкдор келишувни бекор қилиб, орияга олувчидан бинони бузишга ёки кўчатларни олиб, ерни бўшатиб қўйишга мажбур

Ория муомаласидан кўзланган мақсад бошқаларга ёрдам бериш ва уларнинг оғирини енгил қилиш билан бирга, бахилликдан қайтаришдир. Чунки бахиллик пасткашлик ва мунофиқлик аломатларидан ҳисобланади.

ОРИЯ(Т)

қилиши мумкин. Агар ерни бўшатмаса, орияга олувчи ҳеч қандай келишувсиз бировнинг еридан фойдаланувчи бўлиб қолади. Шу боис, ерни бўшатиб бериши лозим бўлади.

«Бир киши учун уй»

Агар ория келишувининг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, орияга олувчи етказилган зарарни тўлаб берайди. Чунки у мулкдор томонидан алданган деб эътиборга олинади. Ориянинг муддати белгиланган бўлса, мулкдор муддат келишидан олдин келишувни бекор қилса, мазкур қилган иши жоиз бўлса-да, ваъдага хилоф иш тутган бўлади. Мулкдор етказилган зарарни тўлиқ қоплаб беради. Чунки ория келишувининг амал қилиш муддати белгиланган, лекин унга амал қилмади.

«Фатавои Қозихон» асарида баён қилинишича: «Агар бир киши бировнинг мулкни орияга сўраса, эгаси сукут сақлаб турса, ория келишуви юзага келган ҳисобланмайди. Чунки Шамсул Аимма Сарахсий: «Ория сукут билан собит бўлмайди», деган».

Одатда келишув вақтида орияга олинган нарсадан фойдаланиш тури айтиб ўтилади. Мулкдор уни инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Чунки орияга олувчи уни муайян мақсадда фойланиш учун олган. Агар орияга олувчи ундан фойдаланишда мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилмаса ва мол-мулкка бирон талафот етказиши аниқ бўлган ҳолатларда, мулкдор орияга берилган нарсани қайтариб олиши ва келишувни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Умумий тарзда фойдаланиш мумкин бўлган мулк орияга олинганда мулкдор «ундан фақат бир киши фойдалансин», деб шарт қилган бўлса-да, орияга олувчи ундан бошқалар билан биргаликда фойдаланиши мумкин. Аммо умумий тарзда фойланиш мумкин бўлмайдиган мулк турида бу ҳолат мумкин эмас. Масалан, орияга олинган уйда кўпчилик бўлиб яшаш мумкин. Лекин орияга олинган уловни фақат мулкдор ишонч билдирган бир кишининг ўзи миннишга ҳақли бўлади.

Ория келишувида турли чекловларни белгилаш урф бўлиб қолган. Масалан, қўшнингиз сиздан нимадир сўраб келса, қачон қайтарасиз, деб ўзингиз сўрайсиз ёки ўзи қачон қайтаришини айтади. Бу ҳолат бевосита ория олинган нарсадан фойдаланиш вақти ва иш турини олдиндан билиш билан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, ория келишуви вақтида ҳамма нарса айтилмайди. Балки мол-мулкка нисбатан урфий тартиб-қоидаларга амал қилиш талаб қилинади. Чунки орияга олувчининг энг асосий вазибаларидан бири ория олинган мол-мулкни муҳофаза қилиш, уни сақлаш ва асл ҳолича эгасига қайтаришдан иборат. Шу боис, орияга олувчи мол-мулкка нисбатан эътиборсизлик қилишга ҳақли бўлмайди. Акс ҳолда, етказилган зарар тўлиқ қопланади.

* * *

Ҳозирда мамлакатимиз қонунарида, айниқса Фуқаролик кодексига ория муносабатларига оид баъзи бир қоидалар мавжуд. Аммо ория масаласи гарчи инсонлар ўртасида кенг тарқалган урф-одат, қадриятлардан бири ҳисобланса-да, бугунгача фақатгина йирик ҳажмдаги мол-мулклардан ва нақд пуллардан бошқа нарсаларни орияга (текин фойдаланишга) бериш бўйича ҳуқуқий нормалар тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шу боис, қўшничлик, қариндош-уруғчилик муносабатларини мустаҳкамлашда ория масаласини жамоатчиликка тушутириш ишларини амалга оширишда юқорида келтирилган фикҳий масаладан маҳалла институтларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маъмуржон ЭРКАЕВ,
Тошкент ислом институти бўлим бошлиғи

« Замон ўтиши билан инсон кексаяр экан, қиёматгача нафақат одамнинг бўйи пасайиб боради, балки ҳадиси шарифга кўра инсоннинг қуввати ҳам заифлашиб боради.

БЎЛҒУСИ ОНАЛАР ҚАЙҒУСИ

Бундан эллик йил, юз йил олдинги аёллар билан бугунги аёлларни жисмонан мутлақо солиштириб бўлмайди. Айниқса, шаҳар аҳолисида.

Алҳамдулиллаҳ, шаҳарларда турмуш шароити яхши, кишлоқларимизда ҳам анча яхшиланиб борапти. Аммо бунинг бир жиҳати борки, ёшларимиз болаликдан жисмоний меҳнат қилмай ўсаяпти. Шаҳарлик қизлар кишлоқдагилардек челақлаб сувлар кўтармайди, кетмонлаб далада ишламайди. Шунинг учун кўпчилигининг жисми бировоз нозик, аксари чиникмаган...

Қизларимиз — бўлғуси оналар, рўзгор бекалари бўлиб етишиши керак. Оналик учун эса мустаҳкам соғлиқ керак, чунки ҳомилдорлик ҳам, фарзандни дунёга келтириш ҳам жисмоний жиҳатдан чакана синов эмас. Нима учун сўнги пайтларда аксар келинчақларимиз туғруқхонада қийналишяпти? Нима учун чакалоқни она қорнидан жарроҳлик амалиёти билан олишга тўғри келяпти? Қоринни кесиб, туғдириб олиш қаердан келиб чиқди? Яқин вақтларгача бу нарса йўқ эди-ку, шу вақтгача келинларимиз ўзи бемалол туғар эди-ку? Энди эса ҳали шамоллаган, ҳали қони кам, фарзандини ўзи туға олмайди, заиф дейди, кучи йўқ дейди ва ҳоказо. Хуллас, фарзандни кесиш жарроҳлиги йўли билан дунёга келтириш ҳолати кўпайган. Аммо бу оддий нарса эмас, ниҳоятда жиддий жарроҳлик амалиёти бу. Бунинг ўзига яраша асоратлари бўлади. Наркоз қилинади, кейинги ҳомилдорликка таъсири бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Бугунги кунда қизларимизнинг аксарияти онавий турмушга, оналикка жисмонан тайёр бўлмай туриб узатиляпти, деган хулоса пайдо бўляпти. Мақсадимиз порлоқ келажак бўлса, бу келажакни соғлом авлод қуриши керак бўлса, соғлом авлод етиштириш учун оналарнинг соғлигини асрашимиз, уларнинг жисмоний ва рухий ҳолатини ҳисобга олиб туриб турмушга узатишимиз керак.

Шариатимизда қизларнинг балоғатга етиш ёши ҳай қўрган пайти деб белгиланган. Бу ҳукми ҳеч қан инкор қила олмайди. Бироқ бу қизларни шу ёшданок эрга бериб юбориш керак дегани эмас. Қизларнинг турмушга чиқиш ёши Пайғамбаримиз

(алайҳиссалом)нинг замонларида, саҳобалар даврида бутунлай бошқача бўлган. Бугунги кунда, бизнинг диёримизда бу ёш билан у ёшнинг орасида катта фарқ бор. Ҳазрати Оиша сиддиқа онамиз (розияллоху аъзо)ни Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га узатишганда тўққиз ёшда бўлганлари ҳадисларда айтилган. Аммо қизларнинг вояга етиш ёши бу ҳадисдан олинмайди. Ҳадисларда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг ниқоҳларида бир пайтнинг ўзиде тўрттадан кўп аёл бўлгани, у зотнинг ифтор қилмай, улаб рўза тутишлари каби кўнгина масалалар айтилганки, уларга кўр-кўрона амал қилинавермайди, баъзилари у зотга хос бўлган деб истисно қилинади ва ҳоказо.

Хаворижларга ўхшаб, «Аллоҳнинг ҳукми билан амал қилмаяпти», «Шариатни ҳоким қилмаяпти», деб бонг урувчилар ҳам бор. Шариатни устуни қилиш шаръий масалаларда, фарзу вожибларда бўлади. Мубоҳ ва жоиз масалаларда эмас. Мубоҳ ва жоиз масалаларда шариатни қоним қиламан деб, ўзимизни қийин ахлоқга солиб қўйишимиз керак эмас. Шаръан жоиз бўлгани билан ёшлар орасидаги тафовут катта бўлгани учун урфан бизда жоиз эмас.

Бир фараз қилиб кўринг, келин билан кўёнинг орасида ёшда тафовут катта бўлса, қандай бўлади? Қиз ёш, аммо эрак қиздан йигирма ёш, ўттиз ёш катта бўлса қандай бўлади? Отаси тенги, баъзан бобоси тенги одамга узатиш ҳолатлари ҳам бўлган. Бугунги кунда бу нарса бизнинг урфимизга тўғри келмайди, балки фақат фитнага олиб келади. Ўн етти яшар қиз бола ўзидан йигирма, ўттиз ёш катта эракка турмушга чиқди, дейлик. У хар қуни кўча-кўйда ўзи тенги ёш йигитларни кўради, телефонда, телевизорда, интернетда ўзи тенги ёш, навқирон йигитларни кўради-да, уларни уйдаги эри билан қиёслаб, фитналанади. Шунинг учун шариатимизда шароит ҳам эътиборга олинади, урф ҳам эътиборга олинади.

Оналаримиз мустаҳкам бўлиши учун шуларнинг барчасини инобатга олишимиз зарур.

Раҳматуллоҳ ТЕРМИЗИЙ,

«Мирза Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби

«Момом кийган либослар»

« Кийиниш — бу инсоннинг ташқи кўринишини ва характерини акс эттирадиган ташқи гўзаллиги саналади. Ҳар қандай шахснинг кийинишига қараб унинг қизиқиши ва қандайлигини билса бўлади.

Бугунги кунда кийиниш маданияти кундан-кунга ўзгариб, чет эллардан кириб келаятган турли замонавий модалар ёшлар орасида авж олмакда. Бу Европа маданиятининг кириб келишидан далолат беради. Атрофимиздаги айрим ёшлар кийиниши умуман бизнинг ўзбекчилигимизга тўғри келмайди. Буларга мисол тариқасида қиз болаларни турли тор, тиззаси йиртилган шим ва яна калта юпка кийиб очик-сочик юришларини айтсак, асло хато бўлмайди. Яна қизларимиз «Бу ҳам янги мода», — деб мақтаниб қўйишлари жуда галати.

Шу ҳам мода бўлибдими? Ахир бизнинг ўзбекона кийимларимиз қани? Бу ёшларимизнинг Европача маданиятга тақлиди десак, асло янгилишмаган бўламиз.

Дарҳақиқат, айрим қизларимизни кўча-кўйда «замонавий кийиниш»ларидан қиз

болами, ўғил болами — фарқлаб бўлмайди. Ахир қизларимиз ўзимизнинг ўзбекона кўйлақларни кийишса, жуда ярашад ва ҳамма уларга ҳавас билан қарашмайди-ми? Шундай қизлар борки, ўзининг ўзлигини англаган, чиройли хушбичим, ўзбекона кийимларини кийиб, барчага ўрناق бўлиб юради. Мана шу ҳақиқий гўзаллик аслида.

Кийиниш маданияти тикланиши йўлида билим даргоҳларида «Момом кийган либослар» тadbирлар ўтказилмоқда. Бундай тadbирлар ўсиб келаятган ёш авлодни қомил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Асадбек ЮСУФБОВЕВ,

Хоразм вилояти Шовот тумани

51-умумтаълим мактабининг

11-синф ўқувчиси



Тўртинчи синфлигимда германиялик мактаб ўқувчиси – немис кизи Хильдага мактуб ёзган эдим. Жажлим чикканидан салом билан бошламаганман...

Мана ўша хат:

«Мен ўзбек қаҳрамонининг набира-симан. Бувамни ҳамма наҳлавои, деб хурмат қилади. Сенинг немис буванг фашистдан ўтиб кетган фашист экан. Тинч ватанамизга бостириб келгани етмагандай, бизнинг аскарларни ҳамоқларга ташлаган. Азоблар берган. Буважонимни ва унинг бир нечта ўртоқларини асирга туширган. Бувам ва унинг сафдошлари тутқиндан қочишга эришган. Буважонимнинг баданида чандиқлари кўп. Уни

Болаликка қайтиб:

НЕМИС ҚИЗИ ХИЛЬДАГА МАКТУБ ҳамда КУТУБХОНАДА «АСИРЛИК» СИРИ

сенинг буванг отган. Чандиқлар ўқлар тешиб ўтган яраларнинг ўрни. Сенларнинг итларинг ҳам ҳақиқий немиснинг ити экан. Буважонимнинг оёқларини тишлаб ташлаган, аммо бувам барибир таслим бўлмаган. Сенинг буванг ўзи қандай одам?

Пушкин эртагида ёзганидек:

На қизалоқ, на ўғлон,
Бадбашара бир ҳайвон...

Мени кечиргини, балки сенинг буванг ўзини сенга қаҳрамон қилиб кўрсатар. Ғирт ўғлон. Сенинг бувангининг баданида чандиқлари йўқдир, оёқлари оғримас. Менинг бувам бир куни Берлинга яна бормоқчи, балки мени ҳам олиб борар. Сен ўшанда немис бувангани яшириб қўй. Йўқса бувам уни Брест қалъасидан улоқтириб юбормоқчи. Бувам менга «Буваларнинг нуноҳи учун набиралар жавоб бермайди, фақат уялади» дейди.

Моможоним бир куни менга «Мана сен ҳам кап-катта бўлиб қолдинг. Менга анави немиснинг бошлиғи, қонхўр Гитлернинг аниқ отини, зўрғинанг кўйуруни отасининг отини билиб кел!» деди. «Унинг отасининг оти сизга нимага керак?» деб сўрадим. «Қаргашим учун керак. Зоти, зурриёди билан қўшиб қаргашим ва қаргашим тўғри бориб тегиши учун» деди. «Бусиз ҳам Гитлер ўлиб кетганку» дедим. «Ўлган бўлса ҳам билиб кел, гап бор» деди.

Эртасига билиб келиб «Моможон анави Гитлер отасининг оти Адольф экан. Марҳамат кампирларнинг шоҳи, қараайверсиллар!» дедим. Момом қилаётган ишидан тўхтаб, «Ай, сен, Адолитти ули Гитлер! Неча-неча кун кўрмай кетган жовқир жигитларди руҳи ҳаққи, бевала-



ру жетимлар ҳаққи, ҳали ҳам эрларини кутаётган содиқлар ҳаққи икки дунёни қуйсин!» деди. «Чалпагини итлар есин» деб қўшиб қўйди.

Бизда ўлган одамнинг арвоҳларига атаб чалпақ – ис тиширишади. Жаҳли чиққан момом Гитлерни «Чалпагини ҳам итлар есин» деб қарғади. Бу жуда оғир қарғиш.

Агар «Немис фашистларини қарғаш бўйича Жаҳон биринчилиги» танлови ўтса менинг момом биринчи ўринни олиши аниқ. Момом сенинг момонгни қарғамайди, аммо унинг айтишича сенинг момонг бувангга «Ҳой, яратганинг бандаси, бировнинг юртида сенга нишириб қўйибдими? Бировни отиб, ўлдириб нима қиласан? Ҳаромдан топганинг буюрмайди» демаганда «Сен ўзбекларни қарғишини олма!» демаганда...

Дарсдан қайтганимда моможонимга тинчлик ҳақида ёзган шеъримни ўқиб берсам бечорагинам кўзда ёш билан мени роса дуо қилди. Бувамга ўқиб берсам, улар

мактабимиз охинонадан ширинликлар сотиб олишим учун кўшимча пул берди.

Хильда, сенга мактуб ёзишимдан мақсадим, дугона тополмай қолганимдан эмас, аксинча сен ўзининг немисларингга биз ўзбеклар ҳақида гапириб бер. Бундан кейин буваларинг қилган хатоларини набиралари такрорламасинлар. Дўст бўлиб яшайлик. Биз тинчлик истаган халқимиз. Сен ўзларинг ҳақингизда ёзиб юбор.

Манзилим: Самарқанд, Нарнай, 9-мактаб, 4-«а» синф. Зулфия Мўминова.

* * *

Бу сарғайиб кетган мактуб ордан йиллар ўтиб момомнинг катта, гулдор сандиғидан топилганига қараганда Хильдага жўнатилмаган, аммо моможонимнинг қимматли буюмлари, суратлари солинган альбомда сақланганидан маълумки, мактуб мехридонимга нимаси биландир кадрли бўлган...

* * *

Бешинчи синфдалигимда катта бўлсам албатта кутубхоначи бўламан, деб орзу қилар эдим. Мактаб кутубхоначиси Ойбарчин опа мен учун дунёдаги энг бахтли инсон эди. Унга қандай маза, хоҳлаган китобини ўқийди. Куни бўйи китоблар орасида бўлади, болаларга китоб таркатади. Шундай осонгина иши учун давлатдан маош ҳам олади. Омади чопганини қарантки, барча янги китобларни аввал ўзи ўқиб чиқади. Сўнгра бизга тавсия қилади. 5-синфда ёшимга муносиб бўлган ҳикоялар тўпламларини, ҳатто иккита роман ҳам ўқиб чиқдим. Бир куни кутубхонага янги китоблар келтиришди. Юқори синф ўқувчялари китобларни ташиётганини кўриб қолдим. Ойбарчин опа ҳошиялари гулдор бу китобларни алоҳида жавонга териб қўйди. «Менга ўша китоблардан беринг» десам, у «Йўқ мумкин эмас, тишинг ўтмайди» деб бермади. Негадир мени ўша китобларни бир кўриш истаги тарк этмади.

Охири бир куни кутубхонага кириб яшириб оламанди. Китоблар билан танишиб бўлгач, деразадан чикиб кетаман, деган фикрга келдим. Дарслар тугагач, кутубхонада болалар кўп пайти секин кирдим, кутубхона бурчагида, Ойбарчин опанинг кўзидан йироқроқ катта голланд печининг орқасига яшириб олдим. Нихоят ўқувчилар уйларига тарқаб, Ойбарчин опа кутубхонани қулфлаб чикиб кетди. Югуриб бориб ҳалиги китобларни варақлай бошладим. Китоблар рус тилида бўлиб, КПССнинг нечинчидир съезди материаллари экан. Ҳафсалам пир бўлиб кетди. КПСС учун ҳам шунча пул сарф қилиб, шундай чиройли безак берилгани, деб ҳайрон қолдим.

Бир пайт чикиб кетиш учун дераза ёнига борсам, деразага темир катакли тўсиқ ўрнатилган экан. Югуриб эшикка бориб итариб кўрдим. Афсус, эшик қулфлаб кетилган. Кутубхона «камоғи»да қолганимни ҳис этиб кўрқиб кетдим. Қиш фасли бўлгани учун хонани қоронғу боса бошлади. Шунда жон-жаҳдим билан деразага ёпишиб, уни очдимда, темир

туткичаро бакира бошладим: «Эй, ёрдам беринглр. Кутубхонага қараб чопинглр. Бунда бола қолиб кетган». «Эй, ким бор, ёрдамга чопинглр. Ҳозир ўлиб қоламан!»

Мақтабимиз қоровулхонаси кутубхонага яқин жойда жойлашган эди. Мактаб қоровули Рустам бува ва унинг хотини дарров кутубхона деразаси томон етиб келишди. Рустам буванинг хотини «Сен кўрмага, ҳозир Рустам буванг қалитларини олиб келади, сени кутқаради. Йиғлама, йиғлама», деб мени овутиб турди.

Мен кутубхонадан чиққач, улар қандай қилиб қолиб кетганимни сўрашди. Мен уларга ҳақиқатни айтдим. Рустам бува эса «Барибир қизчанинг кутубхонада қолиб кетишига Ойбарчин айбдор. Шу кунларда «Бехуш Лайли» бўлиб юрибди. Бир йигитни севиб қолган. Натижада кутубхонада кизча қолиб кетганини ҳам кўрмай, устидан қулфлаб кетган», деди.

Рустам буванинг хотини эса «Ҳа, бундай пайтда кўзи кўр бўлиб қолади» деганлари рост экан» деди. Мен эса «Ҳа, ҳа кўриб туриб кўрмади», дедим. Бу пайт бизнинг кишлоқ бўйича мени кидирув ишлари бошланган экан.

Рустам буванинг хотини мени уйимизга олиб келаётганида, йўлда акам олдимиздан чиқди. Акамнинг орқасидан ҳаллослаб момом чиқди. Юз-кўзимдан ўпиб, Аллоҳга шукроналар айтди. Ўшанда момом кўярда-қўймай Рустам буванинг аёлига товукларимиздан бирини бериб юборганини эсласам, мен топилганимча, уйимизда катта ваҳима бўлгани аниқ эди.

Воқеанинг қолган тафсилотлари ёдимда йўқ, фақат ордан кўп ўтмай кутубхоначи Ойбарчин опамиз тўй-тантана билан Октош шаҳрига, севган йигитига узатиб юборилгани эсимда.

Зулфия МўМИНОВА,
шоира

ФОТО-ЭТЮД



«Адирларда унган лоламан...»

ГУЛЛАГАН ТОҚАТ

ёхуд сукунатдаги сирли ҳақиқатлар



Бир тоифа шоирлар борки, уларнинг шеъриятида сукунат руҳи ҳукм суради. Ижод намуналарини ўқиган инсон сокин бир оҳанг туяди. Бу оҳанг худди жилғанинг бир маромда шилдирашига, кузда сарғайиб, тўкилишга яқин қолган япроқларнинг бемажол шитирлашига ўхшаб кетади. Бу тур шеърлар ўзининг теран маъно кўлами, чуқур кўнгил кечинмаларини ифодалаши билан характерланади.

Мана шундай «сукунат куйчилари»дан бири Манзар Абдулхайрдир. У ёзмасликнинг иложи бўлмагани учун ёзади. Сукут оҳанги билан ёзади. Шу аснода кўнглини ёзади. Бироз энгил тортгандек бўлади. Аммо кўп фурсат ўтмай яна ҳам сели унинг қалбини ковураверади. У эса ёзаверади-ёзаверади.

Шоир шеърларидаги умумий жиҳат сукунат оҳангидир. Кўнгил, ишк, дард, панд-насихат каби мавзулар ижодида етакчи ўрин тутади.

2018 йил «Янги аср авлоди» нашриётида шоирнинг «Тааммул» номли шеърий тўплами нашрдан чиқди. Тўпلامдан шоирнинг турли мавзудаги шеърлари, жажон шоирлари ижодидан қилган таржималари ўрин олган.

«Тааммул» сўзи, фикримизча, тўпلامдаги барча шеърлар моҳиятини ўзида жамлай олган. Шунингдек, шоир руҳиятига, дунёкарашига, характерига ҳам мос тушган. Зеро, Манзар Абдулхайр – кўнгил кишиси, сукунат кишиси, ўй-фикрлар кишиси, дардлар кишисидир.

Манзар Абдулхайр шеърларининг қатга қисмида изтироб, қалб тошқинлиги, сукунат оҳанги, кўнгил чизгилари ҳукмрон. Бу хусусиятлар шоир шеърия-

тининг бошқалардан фарқлаб турувчи жиҳатлардан ҳисобланади.

Муаллиф «Қизир сахро гўё музмар дилимда» мисраси билан бошланувчи шеърда ўзининг ижод моҳиятини очик айтгандек бўлади ва бутун инсониятни-да сукунатга киёслайди:

*«Алам саҳросидир азим
маъширгоҳ,*

*Мушкул-ки қочмоқлик
тақдир-азалдан.*

*Бўзарар бу кўнгил лашкари ишқгоҳ,
Ғариб сукунатдир адам абаддан».*

Шоир фикрича, одамнинг моҳияти – ғариб сукунатга ўхшайди. Унга борадиган йўлни адашмай топиб бориш эса жуда мушкул. Чунки сукунатда на бир ранг, на бир томчи нур, на бир сас, ҳеч нарса йўқ. Тўрт томон эса – очик. Йўллар кўп. Йўл кўрсаткич эса сукунат қаърида пинҳон.

Манзар Абдулхайр лирикасининг энг эътиборли нукталаридан бири қуйидаги тўртлик, десак, муболага қилмаган бўлаемиз. Чунки Ҳақ таоло қай банд-

сини ўзига дўст тутса ва у билан доим бирга бўлса, ўша инсонга бошқа нарсанинг кераги, ҳеч бир каснинг зарари бўлмайди.

*«Гўё руҳсиз ҳайкаллар янглиг,
Тош бу кўнгил қутмас садоқат.
Муҳаббатдан тоғаним озғиқ,
Сабрларим гуллаган тоқат»*

деб ёзади шоир ўзининг «Хаёлмиди кўрганам сени» сатрлари билан бошланувчи шеърда. У вафо қутмайди, айрилик изтироби сабрини сайқаллаб, «гуллаган тоқат»га айлантиради.

Муаллифни кийнаётган ишк изтироби, кенг оммага тушунарсиздек туюлади. Чунки кўпчилик ишк деганда ёрқин ранглари, бахт-саодатни тушунади. Ишқдан бахт қутади. Шоирнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у оғрикни, дардни Ҳаққа элтувчи йўл деб билади. Дардсизликдан кўркади. Шу боис уни ўлчовлари анча юқори бўлган ижодкор, десак бўлади.

Манзар Абдулхайрни ёзмасликнинг иложи бўлмагани учун ёзади, дедик. Ҳақиқатан ҳам, шоир ҳеч қандай тамасиз, сунъийликлардан холи бир ҳолатда ижод қилади. Шоирнинг шеър ёзишдан мақсади тамадан, дунё ҳой-ҳавасларидан анча баланд. Бу нарса охиригича икки мисрада яққолроқ намоён бўлган. Яъни муаллиф Аллоҳ ишқи қалбига тушганини, шунинг учун фақат Аллоҳни қуйлашини изҳор қилмоқда. Холиқни васф этган, У учун қалам тебратган шоир кўнглига қандай қилиб дунё ҳаваслари сизгисин. Яна бир шеърда ижодкор бундай даражага эришиш, кўнглини кирлардан поклаш учун нима қилиш кераклигини айтади:

*«Кўнглинг тарк этмағай
орзу-умид ҳеч,
Вале сен манфаат даввосидан кеч.
То оёқ-кўнглингда солмайин тушов,
Нафсинг муаммосин
ўз вақтида еч».*

Нафс мавзуси одам яратилибдики, энг долзарб ва муҳим масала бўлиб келган. Яшаб турган дунёмиз ҳам инсон ва нафс (шайтон) қураши асосига қурилган. Шу маънода шоир бу тўртликда энг қатта мавзунинг қаламга олган ва бутун инсониятга тааллуқли гоёни тўрт мисрада жамлаган.

Манзар Абдулхайрнинг ушбу шеърий тўпламида кўнгил ва унинг поклиги мавзусидаги шеърлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Шоир ўзини, ўзидан кўнглини, кўнглидан ҳақиқатни излайди. Кўнглини поклашга интилади.

Шоир бир тўртликда шундай ёзади:

*«Ҳолига бир қара ёқаси чокнинг,
Элу юрт наздида тубаниннг,
хоқнинг.*

*Давъатига қулоқ
тутгин идрокнинг,
Осон минг мушқули
ботини покнинг».*

Барча муаммоларнинг, кийинчиликлару зиён-заҳматларнинг илдизи ботинда пинҳон. Шоир ана шу ботинга – кўнглига боқишни, уни поклашни истайди. Зеро, илдиз соғлом бўлса, тана ҳам соғлом бўлиши турган гап.

«Тааммул» тўпламидан сукут оҳанги билан суғорилган шеърлар ўрин олган. Бу сукутда эса кўплаб сирлар – ҳақиқатлар яширин.

Манзар Абдулхайр – кўнгил куйчиси, ишк куйчиси, изтироб куйчиси. Ўйлаш, фикрлаш эса унинг ижодига олиб борувчи йўл, шоир ҳаётининг ажралмас қисмидир. Шу нуқтани назардан айтиш мумкинки, тўпلام ўқувчининг маънан юксалишига, ўйлаш, фикр юритиш қобилиятини ўстиришига хизмат қилади.

Ойбек ХАЙДАРОВ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Олишув

Кун чошгоҳга энди. Сангардак тоғи белидаги даралар бор бўйича қуёш нурларига чўмилди. Осмонда бир гала қора қалхатлар айланади. Тепалик устида қанотларини кенг ёзганча парвоз қилаётган бу йирткич қушлардан бири ҳеч қутилмаганда баланд овозда кичирганича пастликка шўнғийди. Буни кўрган кекса овчи бу ерда бир сир боров, дея бизларни сал олдинга юришга чақирди. Не кўз билан қарасак, қалхат билан грюза илони ўртасида аёвсиз ва мурасасиз жанг борарди. Илон захар сочмоқчи бўлиб тилини билтанглатар, улкан само қуши эса ўзининг кучли, панжалари билан рақибини чангаллаб олишга жон-жаҳди билан тиришарди. Ниҳоят қуш илон танасининг ўрта қисмидан ушлади. Энди самога кўтаришмоқчи бўлган эди ҳамки, билтанглаб, жон ҳолатда питирлаган илон пастга шалоб этиб тушиб кетди.

Бу вақтда анча ўзини ўнглаб олди. Ҳимояга шай турарди.

Ўлжасини қўлдан чиқарган қалхат яна ўша жойда ҳозир бўлди. Тагин олишув қолган жойидан давом этди. Қарийб ярим соатга чўзилган жангга гоҳ само қушининг, гоҳ илоннинг қўли баланд келарди. Ниҳоят қалхат ўзига хос эпчиллик билан, илон танасига чангаллини ботирди ва шу заҳоти осмону фалакка озод кўтарилди. Обдон холдан тойган илон, жон ширинлик қилиб, ўзига хос йўсинда қаршилик қиларди.

Гоҳ юқорилаб, гоҳ пастлаб учаётган қалхат бир зумга бўлсада, хушёрликни йўқотмади. Бундай вазиятдан устамонлик билан фойдаланган илон эпчиллик билан, танаси билан қалхатни ўраб олди. Бу кўз очиб юмгунча сонияда рўй берди. Ҳар иккаласи ҳам бирдай ерга қулади. Зарб билан ерга урилган қалхат қанотларини силкитиб-силкитиб воқеа жойидан гойиб бўлди. Рақибни устидан ўзининг топкирлиги билан ишончли галаба қозонган илон бошини кўтариб, тилини чиқариб, вишиллаганича бугалар орасига кириб кетди.

Қаранг, табиатда ҳар бир жонзотнинг қушандаси бўлганидек, илонларнинг қушандаси йирткич қушлар. Ўн саккиз минг оламнинг ишига баъзан қойил қоласан. Олис Сангардак сафари чоғида, юсак тоғлар бағрида ўзим гувоҳ бўлган воқеа ҳам табиатнинг айнан сир-синаотларидан бири бўлса не ажаб.

Илон «финт»и

Хатирчи туманидаги Кўксарой сув омбори. Унинг соҳилларида қиёт, қамиш, сассик ўт, қора бурган, юлғун ўсиб ётибди. Эсаётган майингизга ел буталарни у ёқдан-бу ёққа тебратди. Пастликда сувнинг келиб киргоққа урилишини кузатиб ўтирибман. Ногоҳон қурбақа ёнига гоёт эҳтиёткорлик билан сузиб бораётган сув илони эътиборимни тортди. Қани нима бўлар экан, деб воқеа ривожини диққат билан кузатдим. Хавф-хатардан беҳабар ўзича қуйлаб ётган, дунёни унутган қурбақа ҳеч нарсани сезмади. Аксинча, баттар вақиллаганича қулоқни қоматга келтира бошлади. Ўлжасига яқин қолган илон такка тўхтади. Шу ернинг ўзида хийла вақтгача ўлаксийифат ҳолда тинч, қотиб қолди. Уч-тўрт қурбақа хавфдан беҳабар бўлиб, саёҳат қилиб, сузганича унинг ёнига яқинлашиб қолганди. Қурбақа-

лар илоннинг у ер-бу ерига суйқалиб, турткилашга ҳам улгурди. Пайт поилаб, ўлжасини қутиб ётган илон бундай қулай имкониятдан устамонлик билан фойдаланди. Ўзига хос эпчиллик билан қурбақани ташланди ва уни худди сувдек ютиб юборди.

Илон сал нарига бориб тўхтади. Ип сингари ингичка тилини чиқариб, узоқ вақт лиқклатиб турди. Буни кўрган бошқа лақма қурбақа илон тилини бирор бир қурт бўлса керак деб тахмин қилдида, уни тутиб ейиш учун илоннинг шундоққина тумшугига келди.

Худди шу нарсани қутиб турган сув илони қурбақани осонгина ушлаб, ютиб юборди. Қаранг, сув илони қурбақани тутиб ейиш учун бир қанча «финт»лардан ҳам устамонлик билан фойдаланаркан. Табиатнинг ишлари ана шундай қизик.

Уллубек АКТАМОВ



1 ИЮНДАН ЎЗГАРДИ?

НИМАЛАР



Фитобарлар ташкил этилади

Тиббиёт муассасалари, шу жумладан оилавий поликлиникалар ва кишлоқ (овул) врачлик пунктларида, шунингдек босқичма-босқич барча вазирлик ва идораларда, Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда маҳаллий аэропортларда, барча турдаги автовокзал, темир йўл вокзалларида, бозорлар, санаторий-курорт муассасаларида ҳамда бошқа аҳоли гавжум жойларда фитобарлар ташкил этилади.

⇒ Айрим тадбиркорлар

мол-мулк ва ер солигини тўлашдан вақтинча озод қилинади

2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябрга қуйидагилар мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинади:

- кичик тадбиркорлик субъектлари;
- бозорлар ва савдо комплекслари;
- кинотеатрлар;
- умумий овқатланиш жойлари;
- жамоат транспорти корхоналари;
- спорт-соғломлаштириш муассасалари;
- йўловчи ташиш, маиший хизмат кўрсатиш, биноларни, шу жумладан

банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.



⇒ Қатор тамаки маҳсулотларига

акциз солиғи киритилади

Импорт қилинадиган киздириладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган, чайналандиган, хидланадиган, шимиландиган (снос), чилим учун тамаки, никотинли тамакисиз снос, таркибида никотин мавжуд суюқликларга акциз солиғи киритилади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга



акциз солиғи ставкалари кўшимча позициялар билан тўлдирилади. Унга кўра, қатор тамаки маҳсулотларининг акциз солиғи ставкалари миқдорлари белги-ланди.

Жумладан, 2020 йил 1 июндан чекиладиган тамакининг 1 килоси учун 25 АҚШ доллари миқдорига акциз солиғи солинади.

⇒ Маҳаллий экспорт қилувчилар транспорт харажатларининг бир қисми давлат томонидан қопланади

Маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилади.

⇒ Металл прокатининг ҳар бир тўпига сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади

Сотилаётган ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган металл прокатининг ҳар бир тўпига ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) томонидан сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилиниши керак.

Сифат тўғрисидаги ҳужжат техник жиҳатдан



тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик юзасидан синовларнинг ижобий натижалари асосида расмийлаштирилади.

Бунда, ишлаб чиқарувчиларда тегишли ишлаб чиқариш лабораторияси бўлмаса, металл прокатини бошқа синов лабораторияларида синовдан ўтказишга йўл қўйилади.

⇒ Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун кредитлар ажратилади

Фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача ғалла ялпи ҳосили умумий қийматининг 40 фоизгача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 10 фоиз, 50 фоизгача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 12 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар ҳамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ғаллачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

⇒ Нафақа олувчилар сони оширилади

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва молдий ёрдам олувчилар сони кўшимча 10 фоизга оширилади.

9 БИЛАСИСМИ?



Тошкентдан уй сотиб олиб, лекин доимий рўйхатга қўймасдан қариндошларни доимий рўйхатга олиб кириш мумкинми?

Уйбу саволга ҳуқуқшунос Ҳуснудбек Худойбердиев ўзининг Телеграм каналида шундай жавоб берди:

– Кўпчилик шу савол билан ҳам мурожаат қилмоқда. Яъни Тошкентдан уй сотиб олсаму, лекин доимий рўйхатимни (кейинги ўринларда тушунарли бўлиши учун – «прописка») вилоятда қолдирсам бўладими, ёки албатта Тошкентда сотиб олган уйимга пропискамни кўчиришим керакми?

Бу саволнинг давоми ҳам бор. Агар мабодо пропискамни вилоятда қолдириб ҳуқуқига эга бўлсам, унда Тошкентда сотиб олган уйимга қариндошларимни пропискага кирита оламми?

Бугун ушбу масалага тушунтириш бермоқчиман. Прописка тизимини ислоҳ қилишга оид янгиликларнинг энг муҳимларидан бири қуйидагилар:

1) Тошкентда пропискани йўқ бўлган фуқароларга ҳоҳ янги қурилиш бўлсин, ҳоҳ иккиламчи бозордан бўлсин, уй сотиб олишга руҳсат берилди. Айтилик пропискани Самарқандда бўлган фуқаро бемалол Тошкентдан уй сотиб олиши мумкин, бунинг учун албатта пропискани Тошкентга кўчириш шарт эмас.

Асос: 22.04.2020 йилдаги ПФ-5984-сон Президент Фармони 2-банд «а»-кичик банди.

Ва энг асосийси бирорта қонун ҳужжатига уй сотиб олгандан кейин пропискани ўша уйга қўйиш шарт деган талаб йўқ. Бундан келиб чиқадиги, пропискани йўқ фуқаролар Тошкентдан уй сотиб олган тақдирда, хоҳласа пропискани Тошкентга кўчиради (1-банд билан), агар хоҳламаса пропискани вилоятда қолдираверади. Бу фуқароларнинг мутлоқ ихтиёри.

2) Прописка тизимидаги иккинчи яхши янгилик биринчисининг мантқиқий давоми. Яъни эндиликда фуқаролар ўзларининг номидаги уйлارга, гарчи ўша уйда ўзи пропискада турмаса ҳам, қариндошларини пропискага олиб киришга руҳсат берилди.

Асослар: 1) Пропискага оид қонун билан тасдиқланган рўйхатнинг 2-банди; 2) 22.04.2020 йилдаги ПФ-5984-сон Президент Фармони 1-банд 3-хатбошиси.

Илгари қоидалар бошқача эди, яъни қариндошларни Тошкентдаги бирор уйга пропискага олиб кириш учун олиб қираётган одамнинг пропискани албатта ўша уйда бўлиши талаб этиларди. Аммо ҳозир бу талаб бекор қилинди. Энди шунчаки уй номида бўлса кифоя, пропискани Тошкентда ёки ўша уйда бўлиши шарт эмас.

Демак, юқоридаги иккита ўзгаришни умумлаштириб, хулоса қилсак, жавоби қуйидаги чиқади:

1) Тошкентда уй сотиб олганлар пропискани Тошкентга кўчириш шарт эмас, вилоятда қолдирса ҳам бўлади;

2) Пропискани вилоятда бўлган фуқаро Тошкентдан уй сотиб олса, ўша уйга тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражали қариндошларини 2-банд билан пропискага олиб киришга ҳақли. Бунинг учун олиб қираётган фуқаро албатта пропискани Тошкентга кўчириши шарт эмас.

Ушбу хулосаларни Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси вакили ҳам тасдиқлади.

Ушбу ўзгаришлар бугун ҳам қонуний кучга эга, 1 сентябрдан кучга қиради, деган гаплар асоссиз.



БОЛАЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН ДАРДЛАРГА ДАВО ТОПИШ

миллий тиббиёт марказининг бош мақсади

« Қизиқ ҳолат. Эндигина атак-чечак юра бошлаган болажон йиқилган замон оғриган жойини кўрсатиб онаси ёки опаси олдига югуриб боради. Оғриган жойини биргина силаб ёки ўпиб қўйишса, болакай дарров тузалиб қолади. Шуниси ҳам борки, болакайга ойижониси юзидаги ачиниш, жон койитиш маълум маънода тасалли, юпанч беради...

Аслида болалар дардига даво топиш осон иш эмас. Улар танасидаги дарди ҳақида гашириб бера олмайди. Шунинг учун ҳам болалар хасталикларини даволашга соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим тармоғи сифатида қаралади.


Болажонларнинг дардини аритадиган, бу соҳадаги овозагарчиликлардан халос этадиган алоҳида тиббиёт марказига юртимизда эҳтиёж ва зарурат бор эди. Ана шу ҳолат инobatга олиниб пойтахтимизнинг Яшнобод туманида замонавий стандартлар асосида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилди.

Ўзбек oilаси нақадар болажон, болапарвар. У ўз жигаргўшасини ўзи емай, ўзи киймай, ўзи киймай бўлсада, бировдан кам қилмасдан ўстиради, оёқка қўяди. Боламнинг кўнгли ўксимасин деб гоҳида ўзини сувгаям, ўтгаям уради. Ишқилиб, ҳар не бўлсада болажони соғ-саломат бўлиб ўсса бас. Болажони дунёсини бойитишда, зийнаглашда ота-она ўзбекна рух, миллий кадриятлар нури билан чароғон этадиган бадий китоблардан ҳам расамади билан фойдаланади. Ва яна болаликни, болаларни алдаб бўлмайди. Бу паланинг ҳар лаҳзаси эртанги кун учун маҳобатли пойдевор бўлишини ёлдан чиқармаслигимиз керак.

Болалар миллий тиббиёт маркази биносини бунёд этишда ана шу талаблар бош мезон бўлди. Қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмағида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган Марказий Осиёда ягона ушбу турдаги болалар тиббиёт муассасасидир. Бу ерда йилга 1,5 мингдан зиёд ноёб жаррохлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд.

«Бу марказ – миллий бойлигимиз. Бу ерда болаларни малакали даволаш билан бирга замонавий телемедицина технологиялари асосида мамлакатимиз худудларида ҳам юқори сифатли тиббий хизматларни ташкиллаштириш керак», – деган эди Президент Шавкат Мирзиёев 20 май куни ушбу муассаса билан танишув чоғида.

– Бу ерда ҳар бир бемор болани сўнги русумдаги замонавий тиббиёт усулларида даволаш имкони бор, – дейди Болалар кўп тармоқли миллий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Мурод Жаъфаров. – Мураккаб жаррохлик амалиёти ўтказиш ҳам хориждаги тиббиёт муас-



сасаларидаги нархнинг тенг ярмигача арзонлашади.

Яқинда ушбу тиббиёт марказида ташкил этилган пресс-тур жараёнида журналистлар марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар. Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 та ўринга эга, поликлиникада кунига 250 нафаргача бемор қабул қилинади. Марказ магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни бир неча йил олдин аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда

фаолият юритиш учун 100 дан ортиқ врач ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди.

Болалар марказининг гемодиализ бўлими бирваракайига ўн нафар беморга буйрак ўрнини босувчи терапияни амалга ошира олади. Шу билан бирга марказнинг жаррохлик бўлимида ноёб урологик, кардиожаррохлик, офтальмологик, оторинологик, пластик ва кам инвазив жаррохлик амалиётлари ўтказилади, гемато-онкология, генетик тиббиёт, нуклеар тиббиёт ва бошқалар бўйича даволаш ишлари олиб борилади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, янгидан ташкил этилган Болалар миллий тиббиёт маркази мажмуаси турли дардлардан азоб чекаётган болажонларнинг соғайиб, ота-онаси ва яқинлари бағрига тезроқ қайтишига яқиндан ёрдам беришини ният қилиб қоламиз. Ота-оналарнинг марказ шифокорларини фақат яхши гап билан тилга олишлари уларнинг бундан кейинги ҳаракатларига узвий боғлиқ.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

ИНСОН ЎЗИНГ

Қурбон бугун барвақт уйғонди. Хотини тайёрлаган нонуштадан тамадди қилган бўлди. Ишга эртароқ бориш керак. Ахир куни кеча уни директорга биринчи ўринбосар этиб тайинлашди. Кечикиб борса уят бўлади. Қолаверса, Азиз Азизович ҳам унга катта ишонч билдирди. Қурбон ана шу ўйлар билан гаражига кириб машинасини миниб ташқарига чиқарди. Қўлига латта олиб оналарини артган бўлди. Хотини ичкаридан Қурбоннинг портфелини кўтариб чиқиб машинанинг олди ўриндиғига қўйди.

Қурбоннинг иш билан бўлиб қишлоққа отасидан ҳам хабар олишга боролмаётгани юрагини хижил қилаётганди. Кўнглидаги бу гапларни хотинига айтди.

– Сен бугун қишлоққа тушиб бобойдан бир хабар олиб келсанг яхши бўларди, – деди Қурбон машинанинг олди ойинасини артар экан. – Отанинг касалхонага тушганига ўн беш кун бўлибди. Иш билан бўлиб менинг ҳам қўлим тегмади.

– Бугун ишим кўп, дадаси. «Гап»им бор. Эртага мавридини топиб бир бориб келарман. Энди қаричлик-да, бобойнингиз ҳам сал инқилласа касалхонага қараб югураверди ўзиям.

– Ҳа, майли ишдан чиқиб бир ўтиб келарман. Майли, яхши ўтиринглар.

Қурбон машинасига ўтириб газни босди.

шибдилар, ҳозир телефон қилиб айтди. Бирров кўриб кейин ишга ўтаман, деди.

Қурбон зизга қайтди. Азиз Азизович билан бир қишлоқданлиги эсига тушди. Бошлиқнинг дадасини ҳам кўриб келиш керак. Бобой барибир бир куни ўзига ким келиб ким кетганини айтади. Шу билан ёшўллага янада яқинроқ бўлиб олади. Бахонада отасини ҳам кўриб келишини

Армон

Ишхонага етиб келган Қурбон зинадан кўтарилди ўзининг хонасига кирди. Кеча чала қолиб кетган ишларини қўлига олди. Бир соатлар чамаси хонада қамалиб ўтирди. Кейин секин юриб бошлиқнинг хонаси олдига борди. Аммо бошлиқ ҳали келмаган эди. Уни котиба киз қарши олди. Ундан Азиз Азизовични сўради.

– Ёшуллининг дадалари мазаси қочиб касалхонага ту-

кўнглига тугди. Ишдан чиқиб тўғри йўлини туман маркази томон бурди. Туман марказидаги кичик бозорчадан у-бу харид қилган бўлди. Касалхонага кириб, Азиз Азизовичнинг отаси ётган палатани сўради.

Қурбон отахон билан анча чақчақлашиб ўтирди. Бошлиқнинг отаси ҳам гапга чечан эканки, суҳбатдош топилганидан хурсанд бўлиб уни қўйиб юбормас эди. Суҳбат орасида

Қурбоннинг қаерданлигини кимнинг ўғли эканини билиб олган ота:

– Ҳа, умрингиздан барака топинг, ўғлим, кам бўлмаглар. Азизжон кўп ишли одам. Ўзи касалхонага тушганимга икки кун бўлди. Эрталаб ҳам кечкурун ҳам қатнагани қатнаган. Энди бизларники қаричлик-да, ўғлим. Майли, борақол, ишингдан қолма. Раҳмаг, ўғлим.

Қурбон Азиз Азизовичнинг отаси ёнидан чиқиб ўзининг отаси ётган бўлимини ахтариб кетди. Қайсинида ётган эканлар-а. Эҳ, аттанг укамдан сўраб олсам бўлар экан. Шу пайт унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Унга Азиз Азизович кўнгирак қилаётган эди.

– Эшитаман, Азиз Азизович?

– Биласиз, бобой касалхонада ётибдилар, келинингиз чучвара қилган эканлар шунга бормокчи бўлиб турган эдик. Йиғилишга айтиб қолишди. Шунга менинг ўрнимга боринг. Аммо сал жадалламасангиз бўлмайди. Йиғилиш бошланиб бўлган.

– Хўп, хўп...

Қурбон нима қиларини билмади. Ёшуллининг гапини икки қилса, бўлмас... Дадасидан эртага хабар олса ҳам бўлаверди. У шу хаёллар билан машинасига ўтириб шаҳарга қараб жўнади.

Мажлис ҳам чўзилгандан чўзилди. Қурбон чарчаб машинага ўтирди. Уйи томон йўлга чикди. Зерикди шекилли машинанинг радиоси мурватини буради. Ундан майин мунгли куй янгради. Шу пайт қўл телефони жиринглаб қолди. Қараса укаси:

– Ака, ака, қаердасиз? Тезроқ етиб келинг!

Қурбоннинг юрагига ваҳима тушди. Машинасини йўлнинг четига чиқариб тўхтади.

– Нима гап, тинчликми?

– Отам, отам узилдилар...

Қурбоннинг бошига совуқ сув қуйилгандай бўлди. Машинасини ўт олдириб йўлни тўғри қишлоқ томон буриб газга зўр берди. Қурбонга отасини сўнги бор кўриш армон бўлиб қолганди.

Болтабой МУҲАММАД
ҚУРБОН

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий, маданий ҳамда деҳқончилик ва боғдорчилик ривож топган марказларидан биридир. Вилоят равнақида ҳар бир ташкилот ва муассасанинг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг ҳар бири ўз вазифасини сидқидилдан бажарар экан, аҳолини рози қилиш, амалга оширилаётган барча ислохотларга камармабаста бўлишга бор эътиборини қаратган. Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлимлари ҳам бу ишлардан четда эмас.

Тошкентнинг тенгсиз васфи

*Гуллаб ётар Тошкентимиз,
Шарқда зўр дарбандимиз,
Йўллар туташган кентимиз,
Мағрибдан ва Маширқдан
Йўловчилар тинмай оққан.*

Тошкент вилояти. Ўлкамиздаги гўзал ва кўркам водийлардан бири Тошкент – шарқ гавҳари, деган гапга асосланиб айтадиган бўлсак, Тошкент сўзи тилга олиниши ҳамон юрак орзиқиб кетади. Вужудимизда оқиб турган, буюк авлод-аждодаларимиз томирига туташадиган қон жунбушга келади. Дарҳақиқат, шоир сўз маржонларидан тузган дуру жавохир монанд мисралар кўнгилга ўт ёқади. «Эҳ, шу Тошкент воҳасини бир кўрсам эди», – деган армонлар бежиз эмаслигини беихтиёр англайсиз.

Чиндан ҳам, Тошкент воҳаси жаннатмонанд Ўзбекистон марвариди, фирдавсмонанд юрт. Эҳ, не-не забардаст шоирлар воҳа таърифида янги ташбеҳ излаб неча тунларни тонгга уламаган... Сенинг муборак ва қутлуғ номинг битилган қоғоз Захириддин Мухаммад Бобур, Зокиржон Холмухаммад ўғли Фуркатнинг кўз ёшларидан мунаввар бўлган. Бу сўлим тўшанинг ҳар бир жойи сўз сеҳргари учун азиз ва кадрлидир. Бу кўхна юрт она Туронга минг-минглаб шавкатли ва кўркмас ўғлонлар, олиму фузалолар, улуғ жангчилар ва шоирларни етказиб берган. Назаримда бу юртининг муборак ва қутлуғ номида аллақандай сеҳр-сирли бир жозоба яширингандай.

Ўрта Осиёнинг чўккилари булутларга тўш урган қорли ва маҳобатли тоғлари орасига тушиб қолган, бир учи мавжланиб оқиб ётган Сирдарё соҳилларига, иккинчи бир томони сўлим ва оромидан ажирган боғ-роғларга, чексиз экинзорларга туташган бу гўзал маскан кенгликлари бодом донаси янглиғ бор бўйича ястаниб ётади.

Буни қаранг, Оккўрғондан Сирдарёга элтувчи кенг ва равон йўлнинг икки чети кета-кетгунча гўза ва галла экилган пайкаллардан иборат. Бу пайкалларнинг бирида бугдой пишиб етилаётган бўлса, иккинчисиде тракторлар зўр бериб гўза қатор ораларини юмшатиш билан овора. Қўшнинг киздириши шу зайлда давом этса, яна санокли қунлардан сўнг бу


галлазорларга ўроқ тушиши тайин.

Охишта эсаётган шамол, бугдойлар бошини силаб ўтади. Худди шуни билгандек, баркашдек қуёш нурида товланаётган галлазордан ажиб бир тароват чор-атрофга таралгандек бўлади. Бир учи кенг уфқларга қадар чўзилиб кетган, чексиз ва ҳадсиз ёбонларда ҳаёт, меҳнат завқи булоқдек қайнамоқда. Аслида унинг кўрки, таровати, файзу зийнати эл-юрт фаровонлигини таъминлашга, бозорларимизни сархил мевалар билан таъминлашга қаратилган. Деҳқону фермерлар заминнинг ҳақиқий соҳиби бўлганидан, иш юритишда эмин-эркинлик берилганидан мамну ҳолда, ўз вазифасини сидқидилдан урдаламоқда.

Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси ва унинг худудларда фаолият юритаётган йигирма иккита бўлимлари мутахассислари ўзлари туғилиб ўсган ва меҳнат қилаётган жойлар довуғини янада кўтариш, тиклаш учун жоним-отим меҳнат қилмоқда. Улар имкон қадар одамларнинг кадастр билан боғлиқ муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш, мулк ҳуқуқини тиклаш ва кўчмас мулкни замонавий асосда ҳужжатлаштириш ишларига қатъи эътибор қаратган. Айни вақтда аҳолининг билим ва тушунчаларини ошириш учун жойларда тез-тез бўлиб, суҳбатлар уюштирилмоқдалар. Бундан кўзда тутилган мақсад, энг аввало, аҳоли қорига яраш, уларнинг дардларини тинглашдир.

Зиммадаги улкан вазифа

Шоирнинг юксак маҳорат билан махд этган «Гул юзидан шабнам ёнар, Олмазорлар хуш солланар, «Ўз мевамни, – деб ёлворар, Синиб кетмай туриб белим, Ўз мевамни, – дейди, – меннинг» деганга ўхшаш ўйноқи сатрлари кўз олдингизда ажиб бир боғни тавдалантаради қўяди. Бир боғки, унинг таъриф-тавсифи узок яқинлар аро таралган. Белига қийикча боғлаб олган, соч-соқоли қордек оппоқ боғбон чол олма, нокзор, анжир анорзор, бодомзору узумзор боғлар яратиш ниятида қуйиб-лишади. Таъбир жоиз бўлса, у умрининг давомини шовуллаган мевазор дарахтлар илдизига урлайди. Шоир, адиллар сўз сеҳри ила боқий ва умрбоқий маънавий



КАДАСТР

ЭНДИ -

боғни яратишади. Эзгу ишлари мўжизакор сўз қанотида келажак насимлар юрагига туташади. Ёш навниҳоллар эса бу мўъжизадан ўзлари учун энг зарурларини олишади.

Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси раҳбари бошчилигида меҳнат қилаётган юзлаб мутахассислар ишининг ҳам ўзига яраша нозик ва сирли жиҳатлари бисёр. Ана шу сирларга вақтида оғишмай амал этилса, кўзланган мақсадга эришилади.

Сув қаёққа окса, тош ҳам ўша ёққа думалар экан. Адҳам аканинг қувноқ ва беғубор болалиги кенг уфқларга улашиб кетган оромидан қишлоққа кетган. Бунёдкорлик, эл-юрт қорига яраш, одамларнинг оғирини енгил этиш каби инсоний ҳислатлар унга ота-бобосидан мерос қолган. Зотан улар ҳам мулод эл хизматида бўлиб келганлар. Бобосининг «одамларга фақат ва фақат яхшиликни раво кўргин, феълнинг, бағринг кенг, кўлинг очик, файзли бўлсин» деганлари ҳамон ёдида. Адҳам ака ҳаёти давомида ушбу доно ўғитларга амал қилиб, кам бўлмади. Кўп хушмуомала, ширин сўз, ишга жон-дили билан бериладиган йиғит бўлиб етишди.


– Офтобнинг бир кунлик юмушини бутун умримиз давомида бажарсак, урдаласак қошки эди, – дейди **Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси бошлиғи Адҳам Холмирзаев**. – Шунинг учун ҳам, кўл остида ишлаётган соҳа ходимларига бир нафас ҳам, халқ, юрт ташвишидан холи бўлманлар дея уқтираман. Бундоқ ёзилиб, ясан-тусан қилиб, кеккайиб юргандан кўра, биздан нажот истаб келган одамнинг мушқулини тезроқ осон қилиш, унга ёрдам қў-

лини чўзиш кўпроқ обрў-эътибор ҳам, соҳамизга ишонч ҳам келтиради. Аслида мана шу серташвиш ҳаёт аксарият паллаларда одамга чексиз ва миселсиз хузур бахш этади. Хабарингиз бор, сўнгги йилларга келиб ер тузиш ва кўчмас мулк соҳаси ҳам қатор янгиликларга юз тутди. Давлат миқёсда тизимга бевосита дахлдор бўлган қарорлар қабул қилинди. Соҳага ёш ва изланувчан ходимлар жалб этилиши билан бирга, техника ва технологиялар бугундай янгиланмоқда. Зарур асбоб-ускуналар замонавийларга алмаштириладир. Аслида бу каби ўзгаришларнинг туб моҳиятида одамларга имкон қадар кўмаклашиш, қайишиш ётади. Хуллас, кадастр идорасига келган олдий одамлар ишини хамирдан қил суғиргандек тез ва соз бажариши бизнинг ишга ҳамда вазифамизга қанчалик масъулият билан ёндашувимизни кўрсатиб туради.

Адҳам Холмирзаевнинг таъкидлашча, шаҳардан анча олисда яшаётган аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлиги йилдан-йилга орғиб бормоқда. Айниқса, бу ҳолат тегишли ҳужжати бўлмаган уй-жойларни ўзларининг номига расмийлаштириб олиш жараёнида яққол сезилмоқда. Буларнинг бари одамни қувонтиради албатта. Ҳозирда ҳукумат қарорларини одамларга содда ва атрофлича тушунтириш чоралари кўриломоқда. Мақсад – элни ортиқча оворагарчиликлардан холос этиш.

Мулкка бўлган ҳуқуқни тиклаб...

Кўкка бўй чўзган азим туллар, ёнғок ва ўриклар дид ва ҳафсала билан қурилган иморатларга соя солади. Томнинг шундоқкина бўғотида ғурақлар



тинмай сайрайди, майналар ола канотларини силкитишиб, гоҳ у дарахтга, гоҳ бу дарахтга учиб ўтишади. Ҳаво унчалик ҳам иссиқ эмас. Атрофда ҳали совуб улгурмаган замин тафтининг илик ва хузурбахш ҳовури. Трактор, машина ва яна аллақандай механизмлар ортидан чиқаётган чанг-тўзон йўлнинг устида бир зумгина муаллақ туриб қолади. Сўнгра губор бўлиб, чор-атрофга аста-секин сингганича йўқолади. Ҳадемай бир учи олис-олис уфқларга туташган пахта пайкалларию, ғаллазорлар ҳам қорамтир тусга инади. Ёбонлар кимсасиз бўлиб хувиллаб қолади. Сокин, ўлик сукунат ҳукмронлик қила бошлайди.

Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси раҳбари ва мутахассисларнинг кўпгина вақти ана шу далаларга яқин жой ва манзилларда кечади. Уларнинг қадами тегмаган бирор бир жой, бирор бир иншоот қолмаган ҳисоби.

Мутахассислар шаҳардан олисда жойлашган аҳоли яшаш манзилларида бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги «Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари

рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги ахборотларнинг расмий манбаси бўлиб, ушбу ахборотнинг ишончилиги давлат томонидан қафолатланади, — дейди Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Жасур Ахоров. — Шу билан бирга, давлат реестридан электрон шаклда берилган, шунингдек, қоғозда берилган кўчирмалар тенг юридик кучга эгадир.

Ҳар бир инсонни рози қилиб...

Дарахт бутун кучини мевасининг пўчоғига эмас, мағзига берганидек, Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси жамоаси ҳам тошган-тутганини, биланларини минтақанинг Оккўрғон, Охангарон, Бекобод, Бўстонлик, Бўка, Зангиота, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Пискент, Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Янгийўл туман ҳамда Олмалик, Ангрэн, Охангарон, Бекобод, Нурафшон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳар бўлимларига жойлайди. Ўз ўрнида мазкур бўлимларда тер тўкаётган мутахассислари ҳам чекига тушган ва

нотариал идорасига юборди. Кўчмас мулк объекти бўйича кадастр паспортини шакллантириш, мурожаат рўйхатга олувчи ва архивариусга келиб тушади. Архивариус тақдим этилган ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатларни ва реестрдаги кўчирмани чоп этиб, архив ҳужжатларига тикиб, кадастр паспортининг электрон

қўллаб-қувватлаб борилмоқда. Бу иш сифатига ижобий таъсир этяпти, аналтага.

Кун унча иссиқ эмас. Йўл четида заргалдоқлар сайрайди. Машина кишлоқдан чиққунига қадар, уч-тўрт маротаба сув кечиб ўтишига тўғри келди. Сўлим ва обод киш-

Рослана Уришда



ҲУЖЖАТЛАРИ

БАДАСТИР

тўғрисида»ги қарори аҳамияти ва мазмун-моҳиятини одамларга батафсил тушунтириб бормоқдалар. Аслида ушбу қарор Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан, шунингдек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган эди. Бундан ташқари мазкур ҳужжатда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ягона қоидаларини белгилаш, юридик ва жисмоний шахсларга давлат реестри маълумотларидан эркин фойдаланиш имкониятини бериш, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш учун уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ваколатли органлар ўртасида ахборот-коммуникация маълумотлар алмашинувини жорий этиш, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирма бериш, низоларни судга хал қилиш механизмларини жорий этиш сингари бир талай долзарб масалаларни ҳам камраб олган.

— Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини

зифани бекаму-кўст адо этмоқда. Буни 2020 йилнинг ўтган вақти давомида 7 минг 952 та жисмоний ва юридик шахсларга кадастр хизмати кўрсатилганидан ҳам билса бўлади. Объектлар жойлашган ҳудудлар куйидагича кўриниш олади. Ангрэн шаҳрида икки юз йигирма бешта, Бекобод шаҳрида эллик бешта, Бўка туманида тўққиз юз саккизта, Бўстонлик туманида етти юз етмишта, Чиноз туманида етмиш тўққизта, Чирчиқ шаҳрида етти юз эллик олтига, Ўрта Чирчиқ туманида уч юз иккита, Охангарон туманида бир юз иккита, Олмалик шаҳрида уч юз олтимиш тўққизта, Оккўрғон туманида олтимиш бешта, Паркент туманида эллик битта, Пискент туманида бир юз эллик бешта, Қибрай туманида бир минг бир юз олтимиш иккита, Қуйи Чирчиқ туманида тўрт юз эллик тўртта, Янгийўл туманида икки юз саксон битта, Юқори Чирчиқ туманида тўқсон олтига, Зангиота туманида бир минг икки юз қирқ битта, Охангарон шаҳрида бир юз ўттиз еттига, Нурафшон шаҳрида бир юз қирқ иккита, Янгийўл шаҳрида бир юз эллик иккита, Тошкент туманида уч юз етмиш саккизтани ташкил этади. Бу миқдор ва кўрсаткич йил сўнгига қадар янада ошиши кўзда тутилган.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаатлар келиб тушганда куйидаги муҳим жараёнлар амалга оширилади: кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишда мурожаат рўйхатга олувчи ва архивариусга келиб тушади. Архивариус архив ҳужжатларини сканер қилиб рўйхатга олувчига юборди. Рўйхатга олувчи ҳужжатларни ўрганиб реестрдан кўчирма шакллантириб давлат хизматлари маркази ёки давлат

кўринишини шакллантириш учун техник ходимга юборди. Техник ходим электрон базада объектнинг кадастр паспорти электрон кўриниши яратди ва рўйхатга олувчига юборди. Минглаб мулк ҳуқуқи ҳужжатлари мана шундай конвейр усулдаги изчиллик билан босқичма-босқич янгиланмоқда.

Тошкент вилоятида кишлоқ туманлари сони нақд ўн бешта. Шу боисдан одамларнинг тирикчилиги, юриш-туриши, фаровонлиги, орзу-хаваслари кўп жиҳатдан ерга, ундан олинаётган хосилга боғлиқ. Демак, аввало, ерга етарли даражада ишлов, озуқа, энг асосийси, деҳқонлар меҳри керак. Ана шу сингари омилларга ҳар доим жиддий тарзда эътибор қаратиш лозим бўлади. Қолаверса, юртимизда олиб борилаётган кенг миқёсли иқтисодий ўзгаришлар табиий ресурслардан, жумладан, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларини ҳам олдинга сурмоқда. Бунда ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, ошириш ва тиклаш, илмий жиҳатдан асосланган аниқ чора-тадбирлар тизимини қўллаш муҳимдир. Кишлоқ хўжалигида ислохотларни ўтказиш ер ресурсларининг экологик-мелиоратив ҳолати ва туپроқ унумдорлиги даражасига бевосита боғлиқ. Вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси ходимлари вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан доимий ҳамкорликда ернинг ҳаётимизда тутган аҳамияти, ўрни мавзусида Пискент, Паркент, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Янгийўл, Чиноз, Бекобод, Охангарон, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларида аҳоли билан доимий равишда учрашув ўтказиб келмоқда. Унда «ер — инсонни боқад», деган фикр аҳолининг барча қатламига бот-бот уқтирилмоқда, уларни қийнаётган ҳаётий муаммолар баргараф этиб борилмоқда.

Корхона касоба уюшмаси қўмитаси раиси Абдушукур Абдуллаев доимо ишчилар ташвиши билан банд. У нима бўлса ҳам, оддий одамларга яқин бўлсин леиди. Шу мақсадда доимий тарзда ишчилар моддий ва маънавий жиҳатдан

лоқларда умргузаронлик қиладиган одамларнинг томоққаларида дуруст-дуруст тоқлар, шохлари мевадан эгилган дарахтлар кўринади. Машина анча юргач, уй-жойлар, объектлар тизилиб турган жойда бир силкиниб, тўхтади. Ҳайдовчи йигит кетидан вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонасининг Марат Сиддиқов, Асрор Маждидов, Азамат Адиллов каби килни қирқ ёрадиган, ўз касбининг устаси бўлиб танилган етакчи мутахассислари ҳам тушишди. Улар мик этмай қирч орадаги қаттагина иншоотга қаради. Қирч-адирлар бу ердан Бухоро минораларидай силлик мовий тус бериб кўринади. Мутахассислар кун бўйи мазкур объект ва бошқаларининг ҳолатини ўрганишди. Ишини обдон тугатгач, яна ортига қайтишди. Чиндан ҳам, бу каби мутахассислар ўз иши билан бошқа касбдошларига ўрناк бўлмоқда. Бундай иқтидорли ёшлар жамоада сероб. Улар тажрибали ва ҳаётий тажрибаси қатта ходимларга бириктириб қўйилган.

— Дронларнинг бевосита қўмаги билан жуда қатта ҳажмдаги ишлар осон ва тезкор равишда удалланмоқда, — дейди Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси ахборот таҳлил бўлими мутахассиси, ахборот хизмати котиби Ражаббой Куриязов. — Чиндан ҳам, бу «аклли» ускуна ходимлар зиммасидаги вазифани хийлагана осонлаштирди. Унинг тилини тушунадиган мутахассислар сони ҳам йилдан-йилга кўнаиб бормоқда.

Сирасини айтганда, олдий одамларнинг дарду ташвишларини аритишни, уларни ҳар томонлама қўллашни ўз олдига мақсад қилиб олган Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси жамоасининг дилига туккан мақсад ва режалари улкан ва салмоқли. Ишонамизки, ўз тевароғига минглаб инсонларни жипселаштирган аҳил жамоа гўзал ва кўркем воҳани гуллаб-яшнатгидан асло чарчамайди. Зеро, эл-юртга қайишган, дол оуланлар асло кам бўлмағай.

Улуғбек ЖУМАЕВ

Миллат, Осиё китъаси	Кон берувчи килши	Даҳшатли тўфон (Америка)				Харбий кийим-бош				Хадик	Томат асоси
			Айтсам ... айтмасам дилим	Кандли экин	Греция пойтахти	Зурга, учма-уч	Мирза (актёр)	Ошқозон яраси			
Попов ихтироси		Текис			...-дун, галланнинг мағзи		Насл-насаб				... Чавес
			Отанинг ака-укаси	Муълт қахрамон (тути)		Ука (синоним)		...-пал			... Пумбо (Чингач-гук)
Жабр-ситам, озор	Тропик мева	Совуқ чой			Сабабли, туфайли	Хайвон отувчи	Бокс «тайм»и				
			Давлат рамзи			Қадам, юриш		Лаосдаги тил			
Батерей электр куввати	Истак, тилак			Табиий буюк моддаси	Хушбўй барг	Хак эмас	Спектакль кўйил-диган маскан				
Киём, шинни	... де Жанеро (шаҳар)	Бутунлай, бошқатдан	Қамоқ								
				Жамият бўлаги	Фазо, коинот						
Тухфа	...-хау (янги технология)	Тагин, қайта			Авиа русуми	Денгиз бурони					
			«Кавказ ... си» б/ф	Бугу қушилган чана							
Мих хили	Карши футбол жамоаси			Майдон ўлчов бирлиги	Патрон, питра						
				... сариқ	Мухитдинов (қўшиқчи)	... ахлоқ	Жанг ... («Денгиз ҳум-дори»)				
Гап...-вассалом	Ойнасиз дераза	Арияли қўшиқ		Давлат, Африка китъаси	Микро-автобус русуми	Қалам хақи	Шлако... (бетон гишт)	Компьютер уйини		Микёс, қамров	
			Отанинг сингли	От зоти	Украина пойтахти		Курилиш ашёси				
					Залворли қурилиш асбоби	Узум нави				Ой, қамар	
			Махрум, жудо	Сигир суддони			... сирада (гоҳ)	Таажжуб, кизик			
						Хасан ва Хусан		Ахил, тотув		Хайрону махлиё	
			Мажбурият, вазифа	Хаёт, тириклик	Шаҳар ҳокими (Россия)		Истило, ишғол				
			... Хол-мирзаев (актёр)		Сунъий майсазор				Корхона филиали	Муътадил	
		Дам олиш куни	Ёпишқоқ модда, клей	Ойлик, мояна	Бозор (Тошкент шаҳри)	Ирина қисқача		...-маъшук			
... отнинг чанги чиқмас	Бош қисми	Футбол кироли		Дил сири			Юз, башара, турк			Маза-... (таъм)	
	Вулкон оғзи	Сигиниш	Санъат тури			Тунги йирткич қуш		Йод ётиш-маслиги шиши	Батальон бўлин-маси	Аввал ... бадъаз калом	
				Рус авто русуми	Кечирим сўраш		Уйдирма, бухтон	Грек харфи	Бўма илон тури		
	«... шпа» (дори)		Нафара, дона	Хитой яқка-қураши	Сингари, ухшаш	Ма, ушла ...!					
				Тил, лисон			Шарқ халқ тиббиёти	Тожиқча (4)			
Шак-шубҳасиз	Номла		Ё заринг бўлсин, ё ... инг бўлсин		Тенг боғловчи		Қалта-кесак тури				



Қауроқу! ган!

Камхарж тўй қиламан,
деганлар ҳозир фурсатдан
фойдаланиб қолсин: уч сўм пул,
бир калла қанд, битта мулла.



Ойла дажур жун

Ниҳоят, ўғилни уйлайдиган бўлдик. Ўзига қолса ҳали-бери уйланиш ҳаёлига келмайди. Ҳозир қайси бола «Ота, менга хотин олиб беринг!», дейди?

— Ўзидан ҳам бир оғиз сўрайлик, — деди хотин, — балки биронта кўз остига олгани бордир...

— Олдин уйланишга розими-йўқми — шуни биллишимиз керак, — дедим хотинга шунгаём аксинг етмайдими дегандек тик қараб. — Ҳозирги ёшлар жа-а бошқача бўп кетишган, айримлари хорижликларга ўхшаб қирқка кирмагунимча уйланмайман, деб гожлик қилишади.

— Қани йўқ деб кўрсин-чи! — деди хотин хезланиб, — бу ёқда укалари, сингиллари кетма-кет этилиб турибди. Оиланинг тўнғичи! Тезроқ бошини иккита қилиш керак!

Ўғилни кўндириш масаласини хотин зиммасига олди. Қарангки, бир гап билан кўндирди-қўйди. Эндиги асосий масала — ўғилга ёқадиган киз топиш. Мен олдинга нима кўп — таниш-билиш, ошна-оғайни кўп, бу нозик масалани дарров ҳал қилиб таппайман, деб чучварани хом санаб юрган эканман. Ўзимиз кўз остига олиб юрган таниш-билишларнинг кизларидан биронтаси ўғилга ёқмади. Агар номзод сал озгин бўлса, «Бу қилтириқни нима қиламан?», деб бурнини жийиради. Номзод бугўдойранг бўлса, «Бунингизнинг пардозига фалон пул кетади», деб тихирлик қилади. Ноиложликдан узокроқ бир қариндошимизнинг ўтириброк қолган қизини кўрсатган эдик, учрашувдан кўзлари ола-кула бўлиб қайтиб келди: «Бўлмайди, каратист экан-ку! Музқаймоқ еётган эдик, шилқимлик килмокчи бўлган бир болани бир ҳамла билан сулайтириб қўйди. Менга ҳам «ийй-я» деб ташланиб қолса, додимни кимга айтаман?»

Таниш-билишлар олдида юзимиз шувут бўлиб қолди. Айримлари салом-алиқни йнгиштириб қўйишди. Тавба, қизи ўғлимизга ёқмаса, бизда нима айб, дея хит бўламан.

Ўғилнинг эса парвойи палак. Худонинг берган қуни хонасига камалиб олиб компьютерда хар хил ўйинлар ўйнайди, ёш болага ўхшаб соатлаб мультфильм томо-

ша қилади. Бунақада дипломини қачон ёзади-ю ўқишни қандай битиради — ҳайронман. Ҳай майли, уйланса сал қуйилиб қолар, дейман. Аммо номзод масаласи чўзилиб кетаётганидан кўнглим гап.

— Бизнинг топганимиз ёқмаётган бўлса — ўзинг топ! — дедим бир қуни ўғилни исканжага олиб. — Йигитмисан ўзи? Наҳотки шу пайтгача биронтаси билан юрмаган бўлсанг?

— Юрганман, ота, юрганман, — деди ўғил кўзларини лўқ қилиб, — ҳозирги кизлар юришга жа мос-да...

— Гапингга туз солиб гапир, тентак, — дейман ўғилнинг сур-

— Ўйнамаман-да, зерикиб кетяпман! — ўғилнинг гап оханги худди отасидан хўрозқандга пул ундирмоқчи бўлган тантик болақайни эслатарди. Бирдан жаҳлим чиқиб кетди: тавба мен нима ҳамла-ю, у нима ҳамда!

— Э бор-бор, кўп бошимни қотирма!

— Йўқ-йўқ! Олиб берасиз! Олиб бермасангиз уйланмайман, ўқишгайм бормаيمان, дипломниям химоя қилмайман! Тамом-вассалом...

Башарасига тузукрок разм сол-



Қуёвбола ва тўтиуш

бетлигидан аччиқланиб. — Ота-боларимиз қандай оила қуришгани биласанми? Мен ҳам онангни чимилдиккача фақат бир марта кўрганман, холос.

— Шунинг учун ҳам ойм билан кўп уришасиз-да!

— Хў-вв бола, кўп хаддингдан ошма!

Жаҳл билан ўрнимдан туриб, хонамга чиқиб кетаман. Тавба, дейман ўзимча хуноб бўлиб, бу замоннинг ёшлари, гоҳ қарасанг болага ўхшайди, гоҳ қарасанг... Бизнинг ўғил эса ҳалиям думбул. Ишонасизми, худди ана шу «фазилат»и ахирри мушқулимизни осон қилди. Қанақасига дейсизми? Мана, эшитинг.

Бир қуни ишхонамда телефон орқали номзод қидира-қидира обдон чарчаб, уйга қайтдимуватқа ҳам хушим бўлмай, хонамга чиқиб, газетадаги оила қуриш ҳақида берилган ғаройиб эълонларни кўздан кечириб ўтиргандим, ўғил шумшайиб кириб келди.

— Ота, менга тўтиқуш олиб беринг! — деди у қутилмаганда, томан тараша тушгандек.

— Тўтиқушни нима қиласан? — бу гапинг хазил ё чин эканини билолмай «куёвбола»га жиддийроқ разм солдим.

сам, хазиллашаётганга ўхшамайди, мутлақо жиддий туриб талаб қиляпти.

Шунда... шунда ичдан хуруж қилиб келган қулғуни тўхтатолмай, қах-қах уриб қулиб юбордим. «Қуёвбола» эшикни тарақлатиб чиқиб кетди. Унинг хурмача қилиги наша қилиб, кўзларимдан ёш чиққунча қулдим. Қах-қаҳани эшитган хотиним хонамга ҳовлиқиб югуриб чиқди.

— Тинчликми, дадаси?

— Тинчлик, тинчлик, — дедим қулгидан ёшланган кўзларимни артиб. Кейин қулгининг сабабини айтиб бердим.

— Хўш, мана энди ўзинг айт-чи, шу болани, шунақа болани уйлаш керакми ўзи? Ўғлимиз ҳали гирт думбул экан-ку! Кел, бошимизни қотириб юрмайлик. Ҳозирча тўтиқушни ўйнатиб юраверсин. Вақти-соати келганда уйлариш.

— Вой, битта тўтиқушни деб умр савдосини пайсалга соласизми, даласи!

— Вей, тўтиқушга ўхшаб, битта гапни такрорлайверасанми, — дедим бўғилиб. — Нега тушунмайсан?!

Хотиним ниманидир англагандай бўлиб, ўзича сал жилмайиб қўйди.

Шодмон ОТАБЕК

Янғисидан бор!

Бир аёл дугонасига эридан шикоят қилаётганмиш:

— Бундай аблаҳ билан яшашдан тўйиб кетдим. Ичадди, чекади, уйда ҳар кун жанжал.

Дугонаси:

— У билан ажраш, тамом! — дебди.

Аёл:

— Асло ундай қилмайман! У менадан қутулиб мазза қилиб яшасинми?! — деган экан.

Антика эълонлар

Далада қулпунай, боғда олма ва гилос териш учун ишчи керак. Ойлик маош 1 млн. сўм. Мабодо, меваларни тераётганингизда эгаси сизни ушлаб олса, мени танимайсиз!

Хотинимнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолган.

Топиб олганлардан илтимос, ёқиб юборинг! Суюнчиси бор!

Уйланмаган йигитлар диққатига: Шошилинг! Онлайн тўй қилиш фақат шу кунларда амалга оширилмоқда!

Латифалар

— Хотин, рақсга тушма!
— Нега дадаси?
— Нима қиляпсан? Сенга гапиряпман! Қўлларингни тушир!
— Зўр мусика экан дадаси...
— Рулни ушла! Қаёққа ҳайдапсан?!

— Қизик, 90 га етганимда қўринишим қанақа бўлар экан?!

— Нима? 90 га етасанми ҳали йўқми?
— Нега етмас эканман?! Ҳозир 85 ман. Яна 5 килограмм йиғсам бўлди-да...!

Қарантиннинг бир ҳафтасида сеvimли фильмнинг тўртга фаслини кўриб тугатдим. Энди иш қидираётган вақтимда резюмега «Қатъиятли» ва «Чидамли» каби хислатларимни ҳам қўшиб ёзсам бўлади.

Бир пайтлари...

Саводсизликни тугатиш бўйича ёппасига ўқув курслари очилиб унга сал харфни таниган «саводи» борларни ҳам ишга олишаверишган экан. Қишлоқда Рўзмат деган алифни калтак дейдиган кишини мактабга ўқитувчи қилиб қўйишди. Туман маорифнинг катталари:

— Рўзматбой, мана сенга 35 та харф, шу болаларни саводини чиқариб бер, — дейишди.

Рўзматбой ғайрат қилиб ишлаб бир ойда 35 та харфни болаларга ўтиб бўлиб нима қилишини билмай маориф каттаси ёнига бориб

— Берган 35 та харфингизни ўтиб бўлдим. Менга яна харф беринг, — деган экан.

Афанди партия аъзоси бўлибди. Хотини сўрабди:

— Дадаси, мен унчалик тушунмадим. Партия аъзоси бўлиб нима иш билан шуғулланасиз?

— Агитация ва пропаганда ишлари билан-да!

— А, нима у? — тушунмай сўради хотини.

— Хмм, қандай тушунтир-

«Сен аралашма»

сам экан... Фараз қил, кўчада бир чиройли аёл кетяпти. Мен бориб, унга мен билан бирга юришга даъват қилсам — бу агитация, агар у кўниб, менга эргашса — бу пропаганда бўлади. Тушундингми? — Сал тушунмаган жойим бор... Агар мен кўчада

кетаётсам, бирор нотаниш эркак келиб, мен билан агитация ва пропаганда ишлари олиб бормоқчи бўлса, мен нима қиламан?, — деб сўрабди хотини.

Шунда Афандининг аччиғи келиб:

— Сен яхшиси сиёсатга аралашма, хотин! — деб жавоб қилибди...

Болтабой ОТОҚОВ

ТҮРТ ЮЗ СЎМЛИК МАШМАША

Бу ҳодисага гувоҳ бўлган соҳа вакиллари билан кечган суҳбатдан ниҳоятда таъсирландим. Дўкон... Маҳсулотлар билан тўла жой... Одамларга тинмай хизмат кўрсатадиган, уларнинг мушкул-лини осон қиладиган ва шу хизмати эвазига рўзгор тебратадиган дўкондор... Уйимизда нима кам бўлса, дарров шу дўконга чопамиз. «Бор, нон олиб чик!», «Меҳмон келаётган экан, дўконга югур!..» Хуллас, ҳар куни рўзгоримизни бадастир килиб турадиган шу дўкон.

Мижоз дўконга кириб келди. Ўзига зарур нарсаларни пакетларга жойлади. Ҳисоб-китоб пайтида сотувчи: «Қайтимига тўрт юз сўм етмайпти. Чойингизга озроқ кўшиб бераман!» Мижоз: «Менга, ҳеч нарса керак эмас, қайтим бўлса уятин!» Сотувчи: «Майда пул йўқ, тушунинг!..»



Хуллас, вазият шу даражагача борадики, сотувчи ва мижоз жанжаллашиб қолади. Сотувчининг жаҳли чиқиб, мижозни ҳақорат қила бошлайди. Мижоз эса ҳеч иккиланиб ўтирмай тегишли жойга шикоят билан чиқади. Қизғин, мутасадди ходимлар қанча уриниш-масин уларни яраштира олмайдилар. Мижоз умуман даввосидан кечмай, сотувчининг узрини қабул қилмайдилар. Энди иш судга ошармиш!..

Бу воқеани эшитиб гоҳ қулгингиз, гоҳ йиғлагингиз келади. Тўғри, тўрт юз сўм учун судда ғалаба қозониб, сотувчини жазолаш бошқа давлатларда демократия ҳисобланар. Аммо бизда бу шармандагарчиликдан бошқа нарса эмас менимча. Бу бизга ярашмайди...

Аброр ПАЯНОВ,
ЎЗЖОКУ талабаси

ЖАВОҲИР

Шавкат РАҲМОН



УММОН

Агарда бу уммон тагида қудратли дарёлар бўлмаса, тублари гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ, навкирон сувларга тўлмаса, бўлмаса хилма-хил ҳаракат, бу қадар уммонлик қайда, поёнсиз бир қўлмақ бўларди, ботқоққа дўнарди, ботқоққа.

ИНТЕЛЛЕКТ

Тадбиркор чумолилар

Чумолилар иссиқ кунларда ўз уяларига турли озиклар тўплаб қўйиши ҳеч кимга сир эмас. Тўпланган озиклар орасида бошоқли ва бошоксиз донлар ҳам бўлиши табиий. Уларни чумолилар алоҳида эҳтиёткорлик билан сақлашади.

Савол: чумолилар тўплаган донлар уядан нам ҳароратда нима учун қўқариб чиқмайди?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 28 май 14-15-сонига берилган саволнинг жавоби: *Қутидор.*

Қулупнайлар устидан ялпиз ва шакарни солиб, блендерда майдалаб оламиз.

Аралашма устидан газли сувни қуйиб, аралаштирамиз ва 30 дақиқага совутгичга олиб қўямиз. Сўнг ичимликни турли сузгичдан ўтказиб оламиз.

Боқалларга муз бўлакчалари, ялпиз япроқчалари, қулупнайни солиб, устидан лимонадни қуямиз.

Ёқимли иштаҳа!

ЭЪЛОНЛАР

Рустамов Абдуваҳидовичга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Машинасозлар кўчаси, 53-уйинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод Дизайн касб-хунара коллежи томонидан 2008 йилда Умарова Дилшора Аскарқовнага берилган К №1067763 рақамли (рўйхат рақами 396) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ПАЗАНДАЛИК

ҚУЛУПНАЙЛИ ИЧИМЛИК



Қулупнай ва ялпизли лимонад нафақат мазаси, балки ажойиб ёрқин кўриниши билан қайфиятни кўтара олади.

Уй шароитида фойдали хусусиятларини сақлаган ҳолда лимонадни қандай тайёрлаш мумкинлигини қуйидаги тавсияларимиз орқали билиб оласиз.

Тайёрланиладиган егуликка унча кўп нарса сарф қилинмайди.

Керакли масаллиқлар:


1 литр газли сув, 300 грамм қулупнай, 4 дона ялпиз япроқчалари, 100 грамм шакар, 1 дона лимон, муз бўлакчалари, безатиш учун бир неча қулупнай.

Тайёрланиши:

Қулупнайларни ювиб, думчанидан ажратамиз ва иккига бўлиб, блендер идишига соламиз.

Лимон пўстини қирғичдан чиқариб, қулупнайлар устидан соламиз. Сўнг оқ рангли пўстини арчиб ташлаб, ўзини тўграб, қулупнайларни устидан соламиз.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



Mavlton Marasulov

44 · 0


Яхшилик мукофоти

Оиламиз катталашгач, уйимиз торлиги сезила бошлади. 2019 йил куз ойларида уйни сотувга қўйдик. Яхши таъмирга қарамай, харидорлар пастроқ нарх таклиф қилишар, ҳадеганда уй сотилмасди. Кўнглимда насиб этганида бўлар, деб қўярдим...

Шу йил март ойининг бошида мижозимиз бўлган бир таржима бюроси бир тиббий хулосани рус тилига ўғириб беришимни сўради. Тиббий хулоса қизилўнғач саратонига чалинган аёлга ёзилган экан. Хуллас, таржимани жўнатиб, бу иш учун ҳақ олмаслигини, имкон бўлса, ўртадаги бюро ҳам пул олмаслигини айтдим. Тўғриси, бундай ҳолатдаги инсондан пул олмасдим.

Энди бугунги эшитинг. Ўша кунгидек уйга харидор чиқди, икки ҳафтадан уй сотилди. Орада бошқа каттарок хонадон изладик, аммо нархлари тўғри келмади. Лекин бир рус кўшнимиз маҳалламиздаги бошқа рус аёл уйини сотмоқчилиги ҳақида менга ёзиб қолди. Нарх бизга тўғри келди. Уйни эгаси ичидидаги мебель, техника ва гиламлари билан сотди. Шундай қилиб, қарангидан бир ҳафта олдин янги уйга кўчиб ўтдик.

Яратган қилган яхшиликларига яраша бандасини юз чандон зиёда қилиб мукофотлар экан. Аслида мен кўп иш қилмадим: шунчаки кўлимдан келган иш билан ёрдам бердим ҳолос. Ўзига шукр.



Oripjon Komilov

24 · 0

Ўғил, қизда қайтар... бебаҳо ёшлигимиз

Бугун Халқаро болаларни химоя қилиш куни...

Баъзан ўйлаб қоламан, кечагина бола эдим. Беғубор, ташвишу ғамлардан холи...

Ўйинқарок ва бебош эдик. Дунё ўйларимдек кенг, олам орзуларимдек бепоён эди. Ҳамиша тезроқ улғайиш ҳақида ўйлаганман. Барчаси кўз очиб юмгунимча рўй берди. Йўллар, манзиллар, тўсиқлар, қанча кишу қанча ёзлар, қанча баҳору неча кузак кечди... Ургут тоғларидек мағрур дамлар, воҳаларидек кенг соатлар, жарликларидай тахликали дамлар ўтди. Улғайдик ҳам. Суягимиз ҳам қотди. Бўйимиз ўсишдан тўхтади. Қалбларимиз биллур шишаси тоҳ дўст, гоҳ ғаним зарбидан чилпарчин бўлди. Неча фироқлар, айриликлар ва висолларга гувоҳ бўлдик.

Бугун кечаги кунларимга назар солсам, бир ҳақиқат аён бўлади. Мендаги мендан асар ҳам қолмабди. Вужудимдаги ҳар бир ҳужайрамнинг янгилини асосида қалб ва ҳиссий кечинмаларим мени нафақат болагимдан, қолаверса ўзимдан ҳам узоклаштириб, беғоналаштириб бормоқда...

Болагим эса кизларимнинг беғубор кўзларида, ўғлим Исмоилнинг шўхликларида ҳамон яшамоқда...

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши; Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши; «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Мағбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алоқабанд».

Бош муҳаррир

Хусниддин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буғуртма: Г-637
ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193
Адаби: 1 709 русса.
Нархи: келтириб асосда.
Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 бома табоқ.
Офсет усулда босилган.

Чоп этишга топширилди: 23:35

